



**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг
Инсон ҳуқуқлари бўйича
вакили (омбудсман) нинг
2017 йилдаги фаолияти
тўғрисидаги
ҲИСОБОТИ**

Тошкент – 2018

МУНДАРИЖА

I.	Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасида давлат сиёсатининг ривожланиши	3-7
	<i>Инсон ва фуқаронинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасида</i>	3-4
	<i>Инсон ва фуқаронинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасида:</i>	4-5
	<i>Инсон ва фуқаронинг иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасида</i>	5
	<i>Инсон ва фуқаронинг ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасида</i>	5-7
II.	Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга ошириш бўйича Давлат дастури ижросида Омбудсманнинг иштироки	8-11
III.	Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонунчилик ва ташкилий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришда Омбудсманнинг фаолияти	12-18
	<i>Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонун-ҳужжатлари ва ташкилий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш</i>	12-14
	<i>Омбудсман фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш</i>	14-18
IV.	Инсон ҳуқуқ ва эркинларини ҳимоя қилиш, мурожаатларни кўриб чиқишдаги фаолият	18-43
	<i>Мурожаатлар таҳлили</i>	18-21
	<u>Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар</u>	21-24
	<i>Қамоқда турган шахслар ҳуқуқлари ва миллий превентив механизмнинг ривожланиши</i>	24-31
	<i>Одам савдосига қарши курашиш</i>	31-32
	<i>Коррупцияга қарши курашиш</i>	32-33
	<u>Сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар</u>	33-35
	<u>Иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликлар</u>	35-37
	<i>Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги ва уни рағбатлантириш</i>	36-37
	<u>Ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликлар</u>	37-42
	<i>Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш</i>	38-39
	<i>Таълим олиш ҳуқуқи</i>	39-40
	<i>Пенсия таъминотига бўлган ҳуқуқ</i>	40-41
	<u>Экологик ҳуқуқлар</u>	41-42
V.	Фуқароларнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасидаги ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича фаолият	43-45
VI.	Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳамкорликнинг ривожланиши	46-51
	<i>Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий ва халқаро институтлар билан ҳамкорлик</i>	46-48
	<i>Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро шартномаларнинг бажарилиши</i>	48-51
VII.	Инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссия ва Омбудсманнинг минтақавий вакиллари фаолияти	52-54

Иловалар

I. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасида давлат сиёсатининг ривожланиши

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мамлакатни демократик ривожлантириш жараёнини янги босқичга олиб чиқди. Мазкур дастурий ҳужжатни амалий ижросини таъминлаш мақсадида 2017 йилда 29 та қонунлар ва 900 та қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Ушбу қарорлар фуқаролар ва инсонларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қилди:

Инсон ва фуқаронинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасида:

Суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш ва одил судловни таъминлаш. Судьялар олий кенгаши ташкил этилиб, унинг вазифалари сифатида судьялар корпусини шакллантириш, судьялар дахлсизлигини таъминлаш ва судьялар фаолиятига аралаштиришни олдини олиш, номзодлар ва судьяларнинг касбий тайёргарлигини ташкиллаштириш белгиланди. Судьялик лавозимига биринчи мартаба беш йил муддатга ва кейин ўн йил муддатга, шундан сўнг муддатсиз тайинлаш (сайлаш)ни назарда тутувчи тартиб жорий этилди. Суд томонидан жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш институти бекор қилинди. “Ижтимоий хавфи катта бўлмаган” жиноятлар бўйича судгача ҳал қилиш ва суд ишларини юритиш учун соддалаштирилган тартиб жорий этилди.

Сайёр суд мажлислари давомида 310,5 минг (33,3 %) ишлар кўриб чиқилиб, 215 та шахсга нисбатан оқлов ҳукмлари чиқарилди;

*Шахсий дахлсизлик ва эркинлик, инсон шаъни ва қадр-қиммати*га нисбатан ҳужумлардан ҳимояланишга бўлган ҳуқуқларни таъминлаш тизимини такомиллаштириш. Қамоқ тарзидаги жиноий жазо тури тугатилиб, унинг ўрнига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазонинг муқобил турларини қўллаш имконияти кенгайтирилди, жиноят содир этишда гумон қилинган шахсларни ушлаб туриш муддати 72 соатдан 48 соатга, қамоққа олиш ва уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллашнинг, шунингдек жиноят ишлари бўйича дастлабки терговнинг энг кўп муддатлари 1 йилдан 7 ойга қисқартирилди, фуқароларнинг суд-тергов фаолияти жараёнида ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўрилди, далилларни сохталаштириш учун алоҳида жиноий жавобгарлик жорий этилди, тергов ҳибсхоналари, вақтинча сақлаш ҳибсхоналари ва махсус қабулхоналар, маъмурий қамоқни ўташ жойларини видеокузатув воситалари билан таъминланади.

Парламент Омбудсманани қийноқларни олдини олиш бўйича миллий превентив механизмни амалга ошириш бўйича асосий ваколатларга эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллиги муносабати билан 2016 йил 12 октябрда қабул қилинган амнистия тўғрисидаги қарорга мувофиқ 39 748 нафар шахс жиноий жавобгарлик ва жиноий жазодан озод этилди, шунингдек 2017 йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан афв этиш тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ суд ҳукми билан айбдор теб топилган 2700 нафар маҳкум, шу жумладан, жазони ижро этиш колонияларидан 956 нафар шахслар афв этилди.

Ҳисобот даври мобайнида 3,5 минг жиноий ишлар тугатилди, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва жамоат ташкилотлари кафилиги остида 63 нафар шахс суд залидан озод этилди, 11 киши жавобгарликдан озод этилди, 97 нафар шахсга нисбатан оғир бўлмаган жазо қўлланилди, жиноятчилик даражаси 14 фоизга камайди;

- *ҳаракат эркинлиги ҳуқуқини таъминлаш тизимини ривожлантириш.* Фуқароларнинг хорижга чиқиш учун рухсат ёзуви стикерини расмийлаштириш тартибини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Инсон ва фуқаронинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасида:

- *Фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришидаги иштирок этиш ҳуқуқини таъминлаш тизимини такомиллаштириш.* Давлат идоралари устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш. Ягона интерактив давлат хизматлари порталида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва давлат дастурлари лойиҳаларини кенг муҳокама қилиш механизми жорий этилди. 58 та турли давлат хизматларини амалга оширишга мўлжалланган Давлат хизматлари агентлиги ташкил этилди. Маъмурий ислохотлар Концепцияси ва давлат ҳокимиятининг 100 дан ортиқ органлари фаолиятини қайти кўриб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилинди. “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилиниб, коррупцияни олдини олиш бўйича комплекс дастур ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. Парламентнинг тегишли палаталари томонидан йилда икки маротаба ички ишлар, ташқи ишлар ва соғлиқни сақлаш вазирларининг ахборотини эшитиш тартиби жорий этилди. Худди шу тарзда, маҳаллий вакиллик органлари ва фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, вазирликлар ва идораларнинг ҳудудий бошқармалари ахборотларини эшитади;

- *Давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқини таъминлаш тизимини такомиллаштириш.* Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси (1,4 миллиондан ортиқ мурожаатлар) фаолияти жорий этилди, мамлакатнинг ҳар бир маъмурий-ҳудудий бирликларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ташкил этилди, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида ҳамда уларнинг ҳудудий тузилмаларида Фуқароларни қабули хизматлари ташкил этилди. Фуқароларни давлат

идораларига мурожаат қилиш тартиби кескин соддалаштирилди, давлат органлари мансабдор шахсларининг мурожаатларни ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқиш бўйича маъсулияти оширилди.

Инсон ва фуқаронинг иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасида:

- *Хусусий мулк муҳофазаси, тадбиркорлик ва инвестицион фаолликни ривожлантириш тизимини мустаҳкамлаш.* Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича Вакил институти ҳамда Инновацион ривожлантириш вазирлиги ташкил этилди, миллий валютани эркин конвертация қилиш тизимига ўтилди, тадбиркорлик субъектларининг ташқи савдо фаолиятини олиб бориш тартиби сезиларли эркинлаштирилди, 11 та эркин иқтисодий ва 75 саноат зоналари ташкил этилди, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш бўйича давлат дастурлари қабул қилинди, тадбиркорликни ривожлантириш учун кредит ресурсларидан фойдаланишда солиқ ва бож тўловларини амалга ошириш бўйича имтиёзлар тақдим этишнинг самарали тизими жорий этилди.

Умумий қиймати 40 миллиард АҚШ доллари бўлган 649 та инвестицион лойиҳалар амалга оширилмоқда, Хитой, Россия, Корея Республикаси, Туркия, Қозоғистон ва Қирғизистон билан умумий қиймати 55 миллиард АҚШ долларидан ортиқ бўлган савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш бўйича давлатлараро шартномалар имзоланди;

- *бандлик ва адолатли меҳнат шароитларини таъминлаш тизимини такомиллаштириш.* Фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш масалалари бўйича Парламент комиссияси ва маҳаллий вакиллик органлари қошида ҳудудий комиссиялар ташкил этилди, уларнинг асосий вазифалари этиб фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонунчилик ва халқаро шартномалар ижроси бўйича мониторинг амалга ошириш, мажбурий меҳнатдан фойдаланиш ҳолатларини олдини олиш ва унга йўл қўймаслик белгиланди.

Инсон ва фуқаронинг ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасида:

- *Малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаш тизимини такомиллаштириш.* Ҳуқуқий базани янгилашни кўзда тутувчи, аҳолига сифатли ва самарали тез тиббий хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтиришга қаратилган “Аҳолига 2017 - 2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чоратадбирлари” Дастури амалга оширилмоқда. Тез тиббий ёрдам тизими такомиллаштирилмоқда. Ижтимоий муҳим аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт анжомлари нархларини назорат қилиш механизми киритилди.

Ҳисобот йили мобайнида 800 та оилавий поликлиникалар ва 400 дан ортиқ тез тиббий ёрдам пунктлари ташкил этилди, тез тиббий ёрдам хизмати

1260 та махсус транспорт воситалари билан таъминланди, соғлиқни сақлаш тизими муассасаларига дори воситаларини ва тиббиёт анжомларини сотиб олиш учун ажратиладиган бюджет маблағлари миқдори 3,5 марта оширилди;

- *аҳолининг кам таъминланган қатламларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини мустаҳкамлаш.* Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинди, имтиёзли фоизларда микрокредитлар бериш, уй-жойни таъмирлашда бепул ёрдам кўрсатиш, арзон уй-жой, рўзғор буюмлари ва техникасини харид қилиш, тиббий хизмат учун пул тўлашда ёрдам бериш бўйича ҳудудлар кесимида сон кўрсаткичларини назарда тутувчи ҳудудий манзилли дастурлар амалга оширилмоқда. Аҳолининг кам таъминланган қатлами учун солиққа тортилмайдиган иш ўринлари яратилди, нафақа ва моддий ёрдамларни тўлаш учун бюджетдан ажратиладиган маблағлар миқдори 2 баробар ошди.

2017 йилда қишлоқ жойларида 19,6 мингта намунали арзон уй-жойлар қурилди, уй-жойга муҳтож 1,2 минг нафар кам таъминланган фуқароларни имтиёзли асосда уй-жой билан таъминлаш бўйича шартномалар имзоланди, уларнинг бошланғич тўлови компенсацияси учун 22 млрд.сум ажратилди, 55 минг нафар ногиронлар ва нафақа ёшидаги фуқароларни ижтимоий таъминлаш ва соғлигини тиклаш учун моддий ёрдам кўрсатилди, даволаш ва профилактика муассасаларига 35 мингта бепул йўлланмалар ва 10 мингта протез-ортопедик воситалар берилди, ногиронлиги мавжуд меҳнат имкониятлари чекланган 972 нафар аёлларга уй меҳнатини ташкил этишлари учун тикув машинаси тақдим этилди, 6,5 мингта ногиронлик аравачаси ва 1,6 мингта эшитиш ускуналари берилди;

- *Таълим олиш ва маданий ривожланиш ҳуқуқини таъминлаш тизимини такомиллаштириш.* Болаларни мактабгача таълим тизими билан тўлиқ қамраб олишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинди, Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди, давлат ва нодавлат ихтисослаштирилган (профил) муассасалар тармоғи ривожланмоқда. Мамлакатда Россиянинг технологик тадқиқотлар миллий университети ва Вебстер университети филиалларини очиш бўйича келишувларга эришилди. Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури йўлга қўйилди. Буюк ватандошларимизнинг дин ва илм-фан тараққиётига қўшган ҳиссаларини тадқиқ этиш учун “Ислом цивилизацияси маркази” ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ташкил этилди. Қўмитанинг асосий вазифаси мамлакатимизда истиқомат қилувчи турли халқлар ва элатлар вакилларининг миллий анъаналари, урф-одатлари ва удумларини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга қўмаклашиш, жамиятда миллатлараро тотувликни ва бағрикенгликни мустаҳкамлашдан иборат.

Умуман олганда, мамлакатда амалга оширалаётган чора-тадбирлар давлатнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш, демократик қадриятларни ривожлантириш, адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, халқаро ва хорижий институтлар билан инсон ҳуқуқлари соҳасида доимий мулоқот олиб боришга бўлган қатъиятини акс эттиради.

Ҳисобот йилида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ушбу йўналишда БМТ Бош котиби А.Гуттерриш, унинг ўринбосари Ю. Федотов ва сиёсий масалалар бўйича ёрдамчиси М.Енча, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари З.Р. аль-Хусейн, БМТнинг диний ва эътиқод эркинликлари бўйича махсус маърузачиси А.Шахид, Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Бош котиби Т. Гремингер, Хюман Райтс Вотч (Human Rights Watch) нодавлат ташкилоти вакиллари ва бошқалар билан учрашувлар ўтказилди.

II. Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга ошириш бўйича Давлат дастури ижросида Омбудсманнинг иштироки

Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга ошириш бўйича Давлат дастурининг 1, 3, 94 ва 95-бандларида кўрсатилган чора-тадбирлар ижросида Омбудсман томонидан бевосита маъсул ижрочи сифатида иштирок этилди. Мазкур чора-тадбирлар Ҳаракатлар стратегиясининг давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш бўйича устувор йўналишларини амалга оширишга қаратилган.

Давлат дастурининг 1 ва 3-бандларига кўра “Парламент назорати тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишда ахборот-таҳлилий таъминлаш ишларини амалга ошириш бўйича вазифалар бажарилди. Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2017 йилда юридик кучга кирди.

Давлат дастурининг 94 ва 95-бандларида назарда тутилган тадбирларнинг амалий ижросини таъминлаш доирасида фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари, таълим муассасалари, жамоат ва бошқа ташкилотларда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, ижтимоий ҳаётнинг долзарб масалаларини муҳокама қилиш, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтиришга қаратилган туркум тадбирлар ташкил этилди. Мазкур йўналишда марказда ва жойларда 22 та тадбирлар ўтказилди, давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан ташкил этилган конференциялар, давра суҳбатлари ва семинарлар давомида 56 та маърузалар билан иштирок этилди.

Давлат дастурини самарали амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналари муҳим аҳамият касб этди. Улар давлат органларининг жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш тизимини концептуал равишда ўзгартирди, халқнинг ҳақиқий ишончини қозонди ва фуқароларнинг давлат қарорларини ишлаб чиқиш, давлат ва жамият бошқаруви ишларида иштирок этиши ва ўзларининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишлари учун ишончли асос яратди.

Мазкур кенг кўламли ишларда иштирок этиш Омбудсман учун маъсулиятли аҳамият касб этди. Йил давомида Омбудсман Халқ қабулхонаси томонидан республиканинг 144 та туман (шаҳар)ларида ташкил этилган сайёр қабулларда ҳамда Тошкент шаҳри, Наманган ва Андижон вилоятларида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурлари ижросини ўрганиш бўйича мониторинг тадбирларида қатнашди.

Халқ қабулхоналари ва Омбудсман фуқаролар билан “қайта алоқа” каналларини изчил ривожлантирди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналари ҳамда Омбудсман номига келиб тушган фуқароларнинг айрим мурожаатларини таҳлил этиш ва умумлаштириш натижаларига кўра, аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг

бузилиш ҳолатларини олдини олиш бўйича ишларни янада такомиллаштиришнинг долзарб йўналишлари аниқланди. Ўтказилган тадқиқотлар материаллари ҳамкорликда ташкил этилган “Юксак ҳуқуқий маданият - инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг самарали ҳимоясининг кафолати” мавзусидаги туркум тадбирлар давомида фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар, ОАВ вакиллари иштирокида улар томонидан кенг жамоатчилик ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилиши учун муҳокама этилди.

Шунингдек, Давлат дастури мазмун ва моҳиятидан келиб чиққан ҳолда Вакил томонидан халқ билан мулоқотни мустаҳкамлаш, инсон ва фуқаро ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясининг янги восита ва механизмларини амалиётга жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан:

Биринчидан. www.ombudsman.uz интернет сайти базасида Омбудсманнинг виртуал қабулхонаси ва фуқаролар мурожаатлари ҳамда юридик маслаҳат бериш учун 1096 тўғридан-тўғри ишонч телефони фаолияти йўлга қўйилганлиги тўғрисида аҳолининг хабардорлик оширилди. Мазкур чора давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат томонидан кафолатланган механизмлардан фойдаланиш тамойиллари ижросини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Амалга оширилган ишлар натижасида, кўрсатиб ўтилган алоқа каналлари орқали фуқароларнинг мурожаатлари 2016 йилга қараганда **1,9** маротаба ошди ва **2 429** тани ташкил этди. (2016 йилда - 1255та)

Иккинчидан. Фуқаролар билан тўғридан-тўғри мулоқотни мустаҳкамлаш ва Вакилнинг сайёр қабуллари тизимли равишда ўтказиб бориш. Мазкур ишда тадбирларнинг ошқоралиги принципиал аҳамият касб этди. Омбудсманнинг сайёр қабули ўтказилиши ҳақидаги маълумотлар интернет тармоғи, маҳаллий матбуот ва телерадиоканаллар орқали эълон қилинган ҳолда ушбу тўғрисида фуқаролар олдиндан хабардор қилинди. 2017 йилда ушбу тамойил бўйича Андижон, Наманган, Фарғона, Термиз, Қарши, Самарқанд, Жиззах ва Гулистон шаҳарларида сайёр қабуллар ўтказилди.

Бундан ташқари, Омбудсман Котибиятининг Тошкент шаҳридаги маъмурий биносида фуқаролар қабули мунтазам равишда ўтказилди. Амалга оширилган ишлар натижасида шахсан мурожаат қилган фуқароларнинг сони ўтган давр билан солиштирганда **1,2** марта ошди ва **1 774** нафарни ташкил этди. (2016 йилда - 1468та)

Учинчидан. Аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламлари, ёлғиз қариялар, ногиронлиги бор шахслар ва кам таъминланган оилаларга ижтимоий кўмаклашиш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 август санасида қабул қилинган ПҚ-3182 сонли “Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, қўшимча давлат ва жамоат кўмагига муҳтож фуқаролар ва оилаларни аниқлаш бўйича мурожаатлар инвентаризацияси ўтказилди.

Инвентаризация якунларига кўра, аниқ фуқаролар ва оилалар тўғрисидаги маълумотлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ҳамда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, “Маҳалла” ва “Нуроний” жамғармалари каби жамоат ташкилотларига юборилди. Ҳозирги кунда **411 та** фуқаролар ва оилаларга манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Кейинчалик, шу каби маълумотларни умумлаштирган ҳолда маҳаллий ҳокимият ва бошқаруви органлари ва жамоат ташкилотларига ҳар чоракда юбориб туриш ишлари режалаштирилган.

Тўртинчидан. Қамоқда сақланаётган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш устидан парламент назоратини кучайтириш. Жорий йилда Тошкент ва Навоий вилоятлари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида жойлашган 7 та жазони ижро этиш муассасаларида мониторинг амалга оширилиб, қамоқда сақланаётган 900 дан ортиқ шахслар билан коллектив ва шахсий учрашувлар ташкил этилди. Ушбу йўналишда мунтазам равишда чора-тадбирларнинг амалга оширилиши жамиятнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига ишончини ортишига, қонун устуворлиги, инсонпарварлик ва адолат принципларининг амалий ижросини таъминлашга хизмат қилади. 2017 йилда қамоқда сақланаётган шахслардан келиб тушган мурожаатлар сони **2,7** марта ошиб, **565** тани ташкил этди. (2016 йилда - 211 та)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрда қабул қилинган ПФ-5268 сонли “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ парламент палаталари билан биргаликда қийноқ ва бошқа шавқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо турларини олдини олиш бўйича назорат-таҳлилий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишга оид тадбирлар Режаси тасдиқланди. Мазкур режа мурожаатларни кўриб чиқиш якунларини биргаликда муҳокама қилиш, шу муносабат билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ахборотларини эшитиш, мониторинг тадбирларини ташкил қилиш ва бошқаларни назарда тутди.

Бешинчидан. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ижроси устидан мунтазам мониторинг ишларини олиб бориш.

Омбудсман Коррупцияга қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси, Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси, Фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш масалалари бўйича парламент комиссияси фаолиятида фаол иштирок этиб келмоқда. Инсон ҳуқуқларининг ушбу соҳалари бўйича жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини алоҳида рўйхатга олиш ва кўриб чиқиш тартиби ўрнатилган бўлиб, йил давомида ваколатли органларга **83 та** мурожаатлар жўнатилди.

Олтинчидан. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ва нодавлат нотижорат ташкилотлар билан мониторинг фаолиятини олиб бориш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва мамлакатда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар тўғрисидаги хабардорлигини кучайтириш бўйича ҳамкорликни мустаҳкамлаш.

2017 йилда Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, “Тараққиёт стратегияси” маркази ва Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандумлар имзоланди.

Еттинчидан. Халқаро ва хорижий махсус муассасалар билан ҳамкорликни ривожлантириш. Ҳисобот даври мобайнида Япония ва Таиланд омбудсманлари билан ҳамкорлик Меморандумлари имзоланди, шунингдек, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон омбудсманлари билан фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича келишувларга эришилди.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича бош комиссари бошқармаси, унинг Марказий Осиёдаги бўлими, ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Ўзбекистондаги БМТ Тараққиёт дастури ваколатхонаси ва ЕХХТ Лойиҳалар координатори офиси билан ҳамкорлик соҳалари кенгайтирилди.

III. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонунчилик ва ташкилий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришда Омбудсманнинг фаолияти

Қонунчиликка мувофиқ Омбудсман ўз фаолиятига доир масалалар бўйича қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари кўриб чиқиши учун қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларда иштирок этиши юзасидан таклифлар киритишга ҳақлидир. Омбудсман қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳлар фаолиятида иштирок этиши, лойиҳаларнинг ҳуқуқий экспертизасини ўтказиши, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мажлисларида иштирок этиши ҳамда муҳокама этилаётган қонун лойиҳалари бўйича таклифлар ва мулоҳазалар киритиши мумкин.

2017 йилда Омбудсман Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 40 та, Сенатнинг 5 та мажлисларида иштирок этди. Қўйи палата мажлисларида 147 та қонун лойиҳаси муҳокама қилинди, улардан 45 қонун қабул қилинди, шу жумладан 9 та жамланма (78 та қонун лойиҳасини ўз ичига олган) қонун қабул қилинди. Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонунлар ўрнатилган тартибда Олий Мажлис Сенати томонидан кўриб чиқилди.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонун ҳужжатлари ва ташкилий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш

Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 1-бандига мувофиқ Омбудсман “Парламент назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида иштирок этди. Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан тузилган ишчи гуруҳ таркибида Омбудсман томонидан парламент назоратини амалга оширишнинг хориж тажрибаси бўйича ахборот-таҳлилий материаллар тайёрланди. Мазкур материаллар, шунингдек, Омбудсманнинг парламент назорати институтини янада такомиллаштиришга оид таклифлари қўйи палатанинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитасига тақдим этилди.

Бундан ташқари, Вакил томонидан Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига муҳокама қилинаётган бир қатор, хусусан “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги (янги таҳрирда), “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида”ги, “Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги, “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги ва бошқа қонун лойиҳалари юзасидан таклифлар тақдим этилди.

Омбудсман томонидан Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича ҳамкорлик идоравий даражада ҳам амалга оширилади. Жумладан, йил давомида қўйидаги идораларга

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича таклифлар юборилди:

- *Бош прокуратура.* Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 235-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ва “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига;

- *Ички ишлар вазирлиги.* Ўзбекистон Республикасининг “Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида”ги ва “Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда ушлаб туриш тўғрисида”ги қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаларига;

- *Адлия вазирлиги.* “Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни лойиҳасига;

- *Олий суд.* Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси фуқаролик процессуал кодексининг ва хўжалик процессуал кодексининг нормаларини қўлланилиши тўғрисида”ги, “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги ва “Порахўрликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорлари бўйича таклифлар.

Омбудсманнинг мазкур йилда ташкил этилган идоралараро органлар фаолиятидаги иштироки ҳам унинг Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш ва амалиётга тадбиқ қилиш жараёнида фаол иштирок этишига хизмат қилди:

- Коррупцияга қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси (*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февраль куни қабул қилинган № ПҚ-2752 сонли қарорига мувофиқ ташкил этилган*);

- Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси (*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 март куни қабул қилинган № ПҚ-2833 сонли қарорига мувофиқ ташкил этилган*);

- БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида билдирилган Ўзбекистон Республикаси ташаббусларини илгари суриш ва БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари билан музокаралар якуни бўйича эришилган келишувларни амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси (“Йўл харитаси”)ни амалга ошириш бўйича Координацион гуруҳ (*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 сентябр куни имзоланган № ПҚ-3293 сонли қарорига мувофиқ ташкил этилган*);

- Фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш масалалари бўйича парламент комиссияси (*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2017 йил 4 октябрдаги Қарорига мувофиқ твикил этилган*).

Умуман, 2017 йил давомида Омбудсман томонидан Ўзбекистон Республикасининг 1 та қонуни ва 2 та қонун ости ҳужжати лойиҳаси ишлаб чиқилди, 16 та норматив-ҳуқуқий ва идоралараро ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартириш киритиш бўйича таклифлар берилди. Вакил 9 та идоралараро органлар ва ишчи гуруҳлар фаолиятида иштирок этмоқда.

Омбудсман фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурига мувофиқ 2017 йил 29 августда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ–441-сонли Қонуни қабул қилинди.

Омбудсман томонидан 2017 йил 17 май куни Парламент палаталарининг қонун қабул қилиш билан боғлиқ фаолиятини ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлаш, шунингдек тегишли ваколатларини амалга ошириш мақсадида кўриб чиқиш учун Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатига қуйидаги материаллар киритилди:

- “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси;

- Қонун лойиҳаси учун миллий қонунчилик, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ва 44 та хорижий мамлакат тажрибасини ўрганиш тадқиқотини ўз ичига олган материаллардан иборат тушунтириш хати (*ЕИ – 15 мамлакат, МДҲ – 7, ОТМ – 7 и бқ.*);

- амалдаги ва таклиф этилаётган таҳрирдаги матнларни, Қонуннинг моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича шарҳлар ва асосномалардан ташкил топган қиёсий жадвал.

Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида Қонун лойиҳасини “биринчи ўқиш”да қабул қилинишига тайёргарлик кўриш мақсадида Парламент қуйи палатаси депутатлари, Бош прокуратура, Олий суд, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Савдо-саноат палатаси вакиллари ва Омбудсмандан таркиб топган ишчи гуруҳ ташкил этилди.

Қонун лойиҳасини “биринчи ўқиш”да кўриб чиқиш натижасиги кўра, қонун лойиҳаси муҳокамасига кенг жамоатчилик, халқаро, хорижий ва миллий эксперт-таҳлилий доираларни жалб қилиш мақсадида Омбудсман томонидан туркум тадбирлар ташкил этилди. Жумладан:

- Қонун лойиҳаси 1 август куни Омбудсман расмий веб-сайти (www.ombudsman.uz)га жойлаштирилди, 2 август куни “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталарида мақолалар чоп этилди ҳамда 7 август куни “Ўзбекистан 24” телеканалда қонун лойиҳасини ишлаб чиқишдан кўзланган мақсад, асосий ўзгартиришларнинг мазмун-моҳияти ва фуқароларнинг лойиҳа муҳокамасида иштирок этишга бўлган имкониятлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига қамраб олган интервью эфирга узатилди;

- 3 август куни “Тараққиёт стратегияси” Марказида қонун лойиҳаси муҳокамаси ташкил этилди, 5-17 август кунлари маҳаллий халқ депутатлари Кенгашлари депутатлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари вакиллари иштирокида 8 та ҳудудий давра суҳбатлари ўтказилди;

- қонун лойиҳаси инглиз тилига таржима қилиниб, халқаро ва хорижий ташкилотлар ҳамда экспертларга эксперт хулосасини олиш учун юборилди.

Шундай қилиб, 1-17 август давомида 10 та тадбирлар ташкил этилди, марказий матбуотда 3 та мақола ва маҳаллий нашрларда 8 та мақола эълон қилинди, Республика миқёсидаги ОАВларда 4 интервью ва маҳаллий ОАВларда 10 та интервью эфирга узатилди. Ушбу давр мобайнида қонун лойиҳаси бўйича 247 та таклифлар, жумладан Омбудсман электрон почтасига 52 та, “ишонч телефони” орқали 46 та ва ўтказилган тадбирлар давомида 149 та таклифлар келиб тушди.

Қонун лойиҳасига академик С.Ш. Рашидова (Омбудсман, 1995-2015 йй), доктор Йозеф Сигеле (Европа Омбудсман институти Бош котиби), элчи Джон Макгрегор (ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори), адвокат Хаинц Бюллер (К.Аденауэр Фонди эксперти) ва бошқалар томонидан таклиф ва мулоҳазалар киритилди.

Келиб тушган таклифларни умумлаштириш якунлари бўйича 18 август куни ЕХХТнинг Ўзбекистондаги Лойиҳалар координатори офиси билан биргаликда Қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишга қаратилган якуний давра суҳбати ташкил этилди. Тадбирда 70 дан ортиқ олимлар, мутахассислар ва экспертлар иштирок этди. Туркум тадбирлар якунлари бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан тузилган ишчи гуруҳга тақдим этилди.

Умуман олганда, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига 9 та янги модда киритилди, 3 та модда янги таҳрирда баён этилди, 5 та модда матнлари қўшимчалар билан тўлдирилди, 5 та моддага эса ўзгартишлар киритилди. Шубҳасиз, мазкур қонун тарихий ва чуқур институционал аҳамиятга эга. У Омбудсманга инсон ҳуқуқ ва эркинликларини

ҳимоя қилишнинг янги замонавий ва самарали механизмларини тақдим этди.
Хусусан:

- Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди кўриб чиқиши учун қонунга мувофиқ масалалар киритиш, унинг мажлисларида иштирок этиши ва суд томонидан кўриб чиқиладиган барча масалалар юзасидан ўз нуқтаи назарини баён этиш ҳуқуқи;

- фуқаролар манфаатларини кўзлаб аризалар ва даъволар билан судларга давлат божи тўламасдан мурожаат этиш;

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга доир айрим масалалар юзасидан маъруза киритиши, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари вакилларининг ахборотини эшитиш масаласини кўриб чиқиш тўғрисидаги таклиф билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўмиталарига мурожаат қилиш;

- инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги қонун ҳужжатларининг аниқланган бузилишларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига белгиланган муддатларда кўриб чиқиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

- ҳаракатларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлиги аниқланган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида тегишли органларга илтимоснома билан кириш;

- маҳбуслар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни ташкиллаштириш, уларни сақлаш шарт-шароитлари билан танишиш мақсадида жазони ижро этиш муассасаларига тўсиқларсиз ташриф буюриш, маҳбуслар билан шахсий учрашув ва суҳбатларни ташкил этиш, улардан цензурага йўл қўйилмаган ва чекланмаган миқдорда мурожаатлар қабул қилиш;

- Омбудсманнинг Минтақавий вакиллари мақомини мустаҳкамлаш, улар томонидан инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир фаолияти тўғрисида ҳар йили тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесини, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларини хабардор қилиш тартибини киритилиши;

- Омбудсман фаолиятининг моддий ва бошқа таъминотини давлат бюджети ҳисобидан амалга ошириш ва мазкур маблағлар бюджетда алоҳида сатрда кўрсатилиши тўғрисидаги норманинг киритилиши;

- ижро этувчи ҳокимият органлари вакилларининг Омбудсман ҳузуридаги Инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссия фаолиятида маслаҳат овози билан иштирокини таъминлаш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Қабул қилинган қонун миллий қонунчилик меъёрларини ва ушбу соҳада мавжуд халқаро-ҳуқуқий қонунчиликни уйғунлаштиради, Омбудсман фаолиятини ҳуқуқий ва амалий жиҳатдан БМТ Бош Ассамблеясининг 1993 йил 20 декабрдаги 48/134 резолюцияси билан тасдиқланган “Инсон

ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш билан шуғулланувчи миллий муассасаларнинг мақомига тааллуқли принциплар (Париж принциплари)га мувофиқлаштирди.

Ҳужжатнинг сиёсий ва ҳуқуқий аҳамияти ҳуқуқий демократик давлат томонидан инсон ҳуқуқларига риоя этилиши соҳасида эришилган ижтимоий тараққиётини ифодалаб берса, унинг мазмун-моҳияти мамлакатда эълон қилинган “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” билан уйғунлашган ҳолда давлатнинг фуқарога, унинг фаровон ҳаёт кечирishi учун керакли шароитларни яратишга қаратилган эътиборини акс эттиради. Қонун бўйича ўзининг эксперт ҳулосасини тақдим этган Европа омбудсман институти бош котиби Йозеф Сигеле мазкур қонунни “Ўзбекистон Республикасининг истиқболли ва узоқни кўзланган қарори” сифатида баҳолади.

Қонунга асосан, шунингдек қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни шакллантириш мақсадида Омбудсман томонидан қуйидаги низомлар лойиҳалари ишлаб чиқилди ва парламент палаталари муҳокамасига киритилди:

- “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (омбудсман) ҳузуридаги Инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши бўйича Комиссия тўғрисида”ги Низом. Мазкур Низом Комиссиянинг асосий вазифалари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва уни шакллантириш ҳамда аъзолари ҳуқуқларини таъминлаш кафолатларини тартибini белгилаб беради;

- “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги минтақавий вакиллари тўғрисида”ги Низом. Ушбу Низом Омбудсманнинг Минтақавий вакилларини тайинлаш тартиби, уларнинг вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда фаолиятининг кафолатларини, уларнинг жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро муносабатларини тартибга солади.

Мазкур Низомлар парламент палаталари муҳокамалари натижасида 2017 йил 29 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 1398-III/ПК-282-III - сонли Қўшма қарори билан тасдиқланди.

IV. Инсон ҳуқуқ ва эркинларини ҳимоя қилиш, мурожаатларни кўриб чиқишдаги фаолият

Мурожаатлар таҳлили

2017 йилда Вакил номига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, хорижий давлатлар фуқаролари ва Омбудсманлари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, жамоат ташкилотлари ва бошқа юридик шахслардан жами **9 074** та мурожаат келиб тушди. Буларга, шахсий қабул жараёнлари **1 774** та, шундан сайёр қабулларда **288** та, почта ва телеграф алоқаси орқали **4770** та мурожаат; “Ишонч телефони” орқали **1515** та, Омбудсманнинг Виртуал қабулхонаси орқали **913** та, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси орқали **102** та мурожаатлар келиб тушган.

Келиб тушган мурожаатларнинг **196** таси қонун талабларига жавоб бермаганлиги сабабли, белгиланган тартибда аноним мурожаатлар деб топилди.

Жисмоний шахслар томонидан яқка тартибда **8248** та, шундан **50,9** фоизи хотин-қизлар томонидан, жамоавий тартибда **459** та мурожаатлар ва юридик шахслар томонидан **116** та, шунингдек хорижий давлатлар инсон ҳуқуқлари бўйича ташкилотлари томонидан **55** та мурожаатлар йўлланган.

Мурожаатларнинг **36,8** фоизи инсон ва фуқаронинг ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларига, **34,2** фоизи шахсий ҳуқуқларга, **24,4** фоизи иқтисодий ҳуқуқларга, **4,3** фоизи сиёсий ҳуқуқларга ва **0,2** фоизи экологик ҳуқуқларга тегишлидир.

Келиб тушган мурожаатларнинг турига кўра:

Шикоятлар, жами **6345** та, шундан суд органларига оид - **1449** та, ички ишлари органларига оид - **1422** та, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга оид - **629** та, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига оид - **848** та, мажбурий ижро органларига оид - **280** та, соғлиқни сақлаш тизими муассасаларига оид - **211** та, таълим тизимига оид - **152** та, бандликка кўмаклашиш органларига оид - **146** та ва бошқа ташкилотларга оид мурожаатлар.

- ариза, жами **2395** та, шундан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга қаратилган шахсий, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларига тегишли бўлган ҳуқуқий маслаҳатлар олишга оид - **1551** та, уй-жой ажратилишини сўраб - **601** та, авф этилишини сўраб - **243** та ва бошқа масалаларга оид мурожаатлар.

- таклифлар, жами **138** та, шундан Омбудсман фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга оид қонун лойиҳаси юзасидан - **98** та, давлат ва тармоқ дастурлари юзасидан - **40** та мурожаатлар келиб тушди.

Мурожаатлар ҳудудлар миқёсида таҳлил этилганда, энг кўп мурожаат Тошкент шаҳар аҳолисидан – **2008** та, Тошкент (**1203**) ва Қашқадарё (**1123**) вилоятлари аҳолисидан келиб тушган бўлса, энг кам мурожаат Сирдарё вилояти аҳолисидан - **199** та ва Қорақалпоғистон Республикасидан - **206** та мурожаатлар келиб тушди.

Қонунчиликка асосан, Омбудсман арз қилувчига ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги маълум бўлиб қолган пайдан эътиборан ёки арз қилувчи, агар у ҳуқуқлари, эркинликлари ва

қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг бошқа воситаларидан фойдаланган ҳамда қабул қилинган қарорлардан қаноатланмаган бўлса, ўз шикоятни бўйича қабул қилинган охириги қарордан хабар топган пайтдан эътиборан бир йил давомида берилган шикоятларни кўриб чиқади.

Мурожаатларнинг мазмун-моҳиятини ўрганиб чиқиш натижаларига кўра **2917** та мурожаатларга Омбудсман томонидан қонунчилик билан кафолатланган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш юзасидан ёзма ва оғзаки маслаҳатлар берилди, шунингдек, **3835** та мурожаатлар мазмунан кўриб чиқиш учун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига юборилди.

Парламент назоратининг субъекти сифатида Омбудсман томонидан **2 126** та шикоятлар кўриб чиқиш учун ўз иш юритувига олиниб, ушбу мурожаатлар юзасидан давлат ва жамоат ташкилотларига **2 576** та мурожаат юборилди. Мурожаатда кўрсатилган важларни ва фактларни ҳар томонлама ўрганиб чиқиш юзасидан **450** та мурожаатдаги ҳолатлар бўйича икки ва ундан ортиқ ташкилотларга мурожаатлар юборилган, шунингдек **132** та мурожаат юзасидан жойига чиқиб ўрганиш учун қўшимча равишда Омбудсманнинг Минтақавий вакиллари жалб қилинган.

Иш юритувига олинган мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари шуни кўрсатдики, **714** та ҳолатда ташкилотлар ва мансабдор шахслар ҳаракатлари ёки ҳаракатсизликлари юзасидан шикоятлар асосли эканлиги, **117** та ҳолатда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлиги ҳақидаги далиллари ўз исботини топмаганлиги, **871** та ҳолатда ташкилотлар ва мансабдор шахслар ҳаракатлари қонунчиликка мувофиқ ҳолда амалга оширилган, бунда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда уларнинг қонуний манфаатлари бузилишига олиб келмаганлиги аниқланди. Иш юритувига олинган **424** та шикоятларни мазмунан кўриб чиқилмоқда, шундан суд-тергов ҳаракатларини олиб борилиши муносабати билан - **69** та, мурожаатларни кўриб чиқишда алоҳида ҳолатларга аниқлик киритиш зарурияти туғилганлиги учун Омбудсманнинг қўшимча сўрови юборилиши муносабати билан - **51** та мурожаатлар шулар жумласидандир.

Ҳисобот даврида келиб тушган такрорий мурожаатларнинг сони - **813** тани ташкил қилди.

Айрим мурожаатларни ваколатли органлар билан кўриб чиқиш натижаларига кўра:

- **25** та жиноят иши қўзғатилди, **27** та маъмурий ва 44 та интизомий иш юритуви очилди, **26** та хизмат текширувлари олиб борилди, **24** нафар ички ишлар ходимлари, **15** нафар таълим ва **8** нафар соғлиқни сақлаш ва **12** та бошқа ташкилотлар ходимлари жавобгарликка тортилди;

- арз қилувчиларнинг манфаатларини кўзлаб суд қарорларига **6** та, ҳоким қарорларига нисбатан **6** та протест киритилди, **24** та жиноят иши қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарорлар бекор қилинди;

- Жами **44,7** млн. сўм миқдоридаги иш ҳақини ундириш юзасидан суд органларига **4** та даъво аризаси киритилиб, **11** нафар фуқарога иш ҳақи

тўланишига эришилди, **23** нафар фуқаро ишга жойлаштирилди, **11** нафар фуқаро ўз ишига қайта тикланди ҳамда **11,5** млн.сўм соғлигига етказилган зарар тўланди;

- кам таъминланган оилаларга кўп қаватли уйлардан **2** та хонадон ва хусусий уй-жой қуриш учун **6** ер участкаси ажратилди, **2** оилаларга уй-жойини таъмирлаш учун ёрдам кўрсатилди, **30** оилаларга моддий ёрдам ажратилди, **10** оилаларга бола парвариши учун моддий ёрдам кўрсатилди, **3** нафар мурожаат қилувчига мактабгача таълим муассасасига йўлланма ажратилди, **55** та мурожаатчига жами **83,5** млн. сўмлик алимент тўловлари ундирилди.

- **15** нафар фуқарога даволаниш учун имтиёзли ордер ажратилди, **15** нафар фуқарога ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатилди, **3** нафар шахснинг ногиронлик гуруҳи белгиланди ҳамда **6** нафар фуқарога ногиронлик аравачалари ажратилди;

- **3** нафар мурожаат қилувчига жами **133,0** млн. сўм пул миқдорида кредит пуллари расмийлаштирилишига, шунингдек **2** нафар мурожаат қилувчига фермер хўжалиги фаолиятини олиб бориш учун ер ажратилишига кўмаклашилди;

- давлат фойдасига **2 319,0** млн. сўм, мурожаатчилар фойдасига **63,2** млн. сўм ундирилишига, жами **736,7** млн. сўмлик мулклар аукцион савдоларига қўйилди, хусусий уй-жойлар бузилиши муносабати билан жами **104,8** млн. сўм пул компенсация пуллари тўланишига, шунингдек бошқа инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ва қонуний манфаатларини тикланиши юзасидан чора-тадбирлар кўрилди.

Мурожаатларнинг келиб тушиши ва уларни кўриб чиқиш билан боғлиқ тенденциялар таҳлили қуйидаги хулосаларга асос бўлади:

- **Биринчидан**, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналари фуқароларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига нисбатан ишончини мустаҳкамлашга, жамиятни ўйлантираётган бир қатор муҳим масалаларни ечишга, фуқароларнинг ҳуқуқий онгини оширишга хизмат қилди. Улар ташкил этилган вақтдан 2017 йилда ўртача ойда Омбудсман номига келиб тушувчи мурожаатлар сони **1,8** марта ошди.

- **Иккинчидан**, аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот натижасида қабул қилинган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги қонунчилик ва давлат дастурлари ижроси бўйича жавобгарлигини кучайтиришга оид чора-тадбирлар Омбудсман номига келиб тушувчи мурожаатлар сонидан ўз аксини топди. Уларнинг умумий сони ўтган йилга қараганда **1,2** мартаба камайди.

- **Учинчидан**, ислохотлар очиклигини таъминлаш, қонунчиликни такомиллаштиришда фуқароларнинг кенг иштирокини таъминлаш, аҳолининг ижтмоий-сиёсий ва ижтмоий-иқтисодий фаоллигини, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича ишлар

самарадорлигининг яққол далили аризалар кўринишидаги мурожаатлар сонининг 3,2 марба, таклифларнинг эса **2,6** марта ошганлидир.

2017 йилда Омбудсман қабулхонасига мурожаат қилган жисмоний шахсларга оид тадқиқотларни давом эттирди. Тадқиқотлар Омбудсманнинг шахсий қабулида бўлган **1 486** шахсларни қамраб олади. Шундай қилиб, вилоятлардан келган шахслар 54,3% ни ташкил қилиб, шундан 1,7 фоиз-хорижий мамлакатлар фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар, 78,1 фоиз - 31 ёшдан катта бўлган шахслар, 60,9 фоиз - хотин-қизлар, 35,5 фоиз - олий маълумотли шахслар, 49 фоиз - доимий иш жойига эга бўлмаган шахслар, 31,8 фоиз - пенсионерлар ҳамда 6,1 фоиз - ногиронлиги бор шахслар ташкил қилди.

Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг инсон шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари категориясига яшаш ҳуқуқи, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқини, суд ҳимояси, шунингдек шаъни ва кадр-қимматига қилинган тажовузлардан ҳамда шахсий ҳаётига аралашидан ҳимоя қилиниши, виждон эркинлиги, бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, фикрлаш, сўз ва эътикод эркинлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиш ҳуқуқлари тааллуқлидир.

Қонунчиликка асосан ҳеч кимни қийноққа солишга, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон кадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилишига йўл қўйилмайди.

Ҳисобот даврида Омбудсман мазилига инсон ва фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларига оид **3035** та мурожаат (*келиб тушган мурожаатларнинг умумий сонига нисбатан 34,2 фоизни ташкил қилди*), шундан, **2 266** та шикоят, **757** та ариза ҳамда **12** та таклифлар келиб тушган. Хусусан, яшашга бўлган ҳуқуқни амалга оширишга, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқини, шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан ҳамда шахсий ҳаётига аралашиди, ҳуқуқбузарликларни олдини олишга қаратилган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тезкор-қидирув фаолияти ва ишларини амалга оширишга оид - **1785** та, шахсий ҳуқуқ ва эркинликларни суд ҳимоясига оид ҳуқуқларни таъминланиши - **563** та, фуқаролар уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиш ҳуқуқларига оид - **206**, авф этишга оид - **243** та, бошқа ҳуқуқ ва эркинликларга оид - **7** та мурожаатлар келиб тушди. Парламент назоратининг субъекти сифатида Омбудсман томонидан **609** та шикоятлар ёки уларнинг жами ҳисобида **27** фоизи кўриб чиқилди.

Мурожаатларни кўриб чиқиш мобайнида **18** та жиноий, **19** та маъмурий ва **23** та интизомий ишлар очилди, **22** та хизмат терговлари амалга оширилди, ички ишлар органларининг **24** та ходими, бошқа ташкилотларнинг **12** та ходими жавобгарликка тортилди. Шунингдек, мурожаат қилган шахслар

фойдасига жиноят ишини очишни рад этиш тўғрисидаги 24та қарор бекор қилинди, жиноят ишлари бўйича судлар қарорларига **4 та** ва маъмурий ишлар бўйича судлар қарорларига **1 та** протест киритилди.

Суд-тергов жараёнининг самарадорлиги йўналишида **513 та** шикоят кўриб чиқилди. Мазкур муружжатларни таҳлили ва уларни умумлаштириш қўйидаги асосий ҳолатларни аниқлашга имкон берди:

- Қонуний, асосли ва адолатли қарор қабул қилиш, шунингдек ишни тўғри ҳал қилиш учун керак бўладиган ҳақиқат ва бошқа ҳолатларни аниқлашда суд органларининг жавобгарлиги.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди томонидан тергов органининг фуқаро И.нинг қасддан ўлдирилганлиги юзасидан айбловига қарамасдан, суд процесси жараёнида айбланувчи томонидан жабрланувчини автотранспорт воситасидан улоқтириб ташлаши ва унинг устидан 3 маротаба хайдаб ўтиши хатти-ҳаракатлари “эҳтиётсизлик орқасидан одам ўлдириш” жинояти билан қайта малакаланиб, айбланувчига амнистия акти қўлланилиш муносабати билан суд залидан озод этилган.

Ушбу ҳолат юзасидан Омбудсман томонидан Бош прокуратурага муружаат йўлланди: биринчидан, Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан апелляция тартибида протест киритилди, аммо суд ҳукми ўз кучида қолдирди; иккинчидан, Бош прокуратура томонидан Олий суднинг жиноят ишлари бўйича хайъатига протест киритилди, биринчи ва апелляция суд ҳукмлари бекор қилиниб, ишни янгидан кўриш учун қайтарилди.

Бундан ташқари, ҳисобот йили давомида Омбудсманнинг Бош прокуратурага муружаати бўйича Олий суднинг жиноят ишлари бўйича хайъатига Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг махкум А.га қонунчиликда белгиланган жазодан ҳам юқори жазо тайинланганлиги юзасидан қабул қилинган биринчи инстанция ҳукми ва ажримига нисбатан протест киритилди.

- Суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида инсон шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, жиноят иши дастлабки тергови жараёнида ашёвий далилларни тўплаш, мустаҳкамлаш, текшириш ва баҳолашда ҳолисликни таъминлаш.

Фуқаро Ю.нинг муружаатини кўриб чиқиш жараёнида ички ишлар органлари томонидан жиноят иши юзасидан далилий ашёларни тўплашда жиноят-процессуал қонун талаблари кўпол равишда бузилганлиги аниқланди. Ушбу билан ўғлини контрабанда ва наркотик моддалари айланмасида айбдор деб топилган далиллар суд қарорида ўз аксини топди. Кассация шикоятини кўриб чиқиш жараёнида 17 та турли хилдаги суд-тергов процесси қонун талабалари бузилганлиги аниқланди. Булар, ушлаш тўғрисидаги далолатномани икки хил сана ва вақтда расмийлаштириш, тегишли санкция олинмасдан айбланувчининг яшаш жойида тинтув ўтказиш, автомашинани ушлаш жойида тинтув қилмаслик ва бошқалар. Кассация инстанцияси жиноят ишини бошқа суд таркибида кўриб чиқиш учун қайтариб, қамоқ эҳтиёт чорасини муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чорасига

ўзгартирилди. Кассация инстанцияси суд жараёнида Омбудсман котибиятининг референти кузатувчи сифатида иштирок этди.

Фуқаро Т.нинг шикоятини ўрганиш жараёнида унинг отаси йўл транспорт ходисаси туфайли оғир тан жароҳати олганлиги юзасидан суриштирув органлари томонидан суд экспертиза тайинланмасдан жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинган. Автотранспорт эгаси томонидан авторанспорт воситаси таъмирланиши натижасида экспертиза ўтказиш имкони йўқлигин билдирган. Шикотяни кўриб чиқиш якунига кўра, жиноят иши қўзғатишни рад қилиш ҳақидаги қарор бекор қилинди ва Норин туман ИИБ ЙХХБ катта инспектори, суриштирувчи ҳаракатлари юзасидан хизмат текшируви тайинланди.

Шунга ўхшаш қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган Дехқонобод туман ИИБ участка профилактика инспектори У.Кучимов, Олот туманида У.Муродов ва Ургут туманида И.Самиев, Нурота туман ИИБ ТБ бошлиғи А.Жумаев ва терговчилар М.Фармонов, Б.Насимовлар интизомий жавобгарликка тортилдилар.

- жиноятларни ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона тергов қилиш, қонунийликни таъминлаш, жавобгарликни муқаррарлиги тамойилини сўзсиз амалга ошириш.

2002 йилда фуқаро А.нинг зўрлаш аломатлари мавжуд бўлган мурдаси топилганлиги юзасидан очилган жиноят иши билан боғлиқ мурожаат кўриб чиқилганда суриштирув органлари томонидан жиноят жойида топилган доктилоскопик маълумотлар базаси билан бармоқ изларини солиштириш ишлари олиб борилмаганлиги, шунингдек жабрланувчи томоннинг билдирган важларини етарли даража ўрганилмаганлиги аниқланди. Омбудсманнинг Бош прокуратурага мурожаати бўйича дастлабки тергов ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисидаги қарор бекор қилинди.

Ҳисобот даврида прокуратура органлари томонидан фуқаро Н. йўл транспорт ходисаси натижаси вафот этганлиги (*Тўрақўрғон тумани*), касддан баданга оғир тан жароҳати етказилганлиги натижасида фуқаро К. (*Қарши шаҳри*) ва фуқаро Д. (*Юнусобод тумани*) нинг вафоти, таълим муассасада талаба Ю. ўзини ўзи ўлдириши (*Ангор тумани*) ҳамда вояга етмаган Р.ни номусига тегишга суиқасд қилиниши (*Урганч шаҳри*) юзасидан қабул қилинган жиноят иши қўзғатишини рад қилиш ҳақидаги қарорлар бекор қилинди.

- ички ишлар органлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари учтуворлиги тамойилига риоя қилиниши ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ишончининг оширилиши.

Мурожаатларни кўриб чиқиш жараёнида, айрим ички ишлар ходимлари томонидан ваколат доирасидан четга чиқиш, фуқароларни ҳақорат қилиш ҳолатлари аниқланди.

Хусусан, Андижон тумани ИИБ профилактика инспектори С.Мамиров томонидан гуёки фуқаролар З. ва Х. лар майда безорилик ҳуқуқбузарлигини содир этганлиги тўғрисида ҳужжатларни сохта имзолар билан

расмийлаштирган. Суд ушбу фуқароларга 5 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинлаган. Қамоқ жазосини ўташ вақтида Андижон вилояти ИИБ айрим ходимлари томонидан уларнинг чорва молларини ўғирлашга алоқадорлигини текшириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилган. Омбудсманнинг Бош прокуратурага мурожаати натижасида маъмурий суднинг тегишли қарорига протест киритилди.

Шунингдек, ички ишлар ходимларига мос келмайдиган хатти-ҳаракатлари учун Қизирик тумани ИИБ тергов бўлими бошлиғи А. Мамарасулов, Чилонзор тумани ИИБ раҳбари ўринбосари Ф. Суяров, Мирзо-Улўғбек тумани профилактика инспектори Ш. Нурмухамедов, Нарпай тумани профилактика инспектори А. Холикулов, Олмалиқ шаҳри ИИБ тергов бўлими терговчиси Н. Акрамов интизомий жавобгарликка тортилди.

Мамлакат тарихида илк маротаба Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 25 йиллиги муносабати билан авф этиш тўғрисида”ги Фармонининг қабул қилинганлиги инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, инсонпарварлик тамойилларини амалга оширилишида муҳим аҳамият касб этди. Омбудсманнинг 2016 йилдаги ҳисоботида йўл-транспорт ходисаси оқибатида одам ўлиши ёки оғир тан жароҳати олиш жиноятини содир этган шахсларнинг амнистия қарорига асосан жазодан озод этилаётганлиги масаласи кўтарилган эди. Бундан, 15 тадан 6 та ҳолатда айбланувчилар томонидан жабрланувчиларга етказилган зарар компенсация қилинмасдан, амнистия қарорига асосан жазодан озод этилганлиги мисол қилиб кўрсатилган.

Амнистиядан фарқли ўлароқ, авф этиш маҳкумнинг шахсини ҳар томонлама ва чуқур ўрганиш, ижтимоий хавфлилик даражаси, қилмишнинг оқибати, етказилган зарарни тўлиқ қопланганлиги, шунингдек у яшаган маҳалла аҳли ва жабрланган одамларнинг фикрини ўрганиш имконини берди. Авф этиш тўғрисидаги ҳужжатнинг қабул қилиниши самарадорлиги сифатида таъкидлаш керакки, 2017 йил давомида жиноят содир этган шахсларнинг озодликка чиқарилганлиги муносабати билан боғлиқ шикоятлар келиб тушмади.

Қамоқда турган шахслар ҳуқуқлари ва миллий превентив механизмнинг ривожланиши

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ Омбудсманнинг қамоқда турган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги қонун-ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишга оид ваколатлари кенгайтирилди. Хусусан, Қонунга Омбудсман томонидан жазони ижро этиш муассасаларида, қамоқда сақлаш жойларида ва махсус қабулхоналарда олиб бориладиган назорат чора-тадбирларининг хусусиятларини очиб беришга, мурожаатларни кўриб чиқиш, махбуслар билан учрашув ва суҳбатлар ўтказиш тартибини аниқлаштиришга қаратилган “Ушлаб турилган ва қамоққа олинган,

маъмурий қамоққа олинган ва озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг Вакилга мурожаат этиши” тўғрисидаги 14¹-модда киритилди.

Мазкур моддада кўрсатилганидек, ушлаб турилган ва қамоққа олинган, маъмурий қамоққа олинган ва озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар ёзма шаклдаги мурожаатларни (хатлар ва телеграммаларни) уларнинг сони чекланмаган ҳолда Вакилнинг номига юбориш ҳуқуқига эга. Вакил номига юбориладиган мурожаатлар цензура қилинмайди. Жазони ижро этиш муассасаларининг, қамоқда сақлаш жойларининг ва махсус қабулхоналарнинг маъмурияти қамоқда турган шахсларнинг мурожаатларини Вакилга мухрланган тарзда йигирма тўрт соатдан кечиктирмай юборади, телеграммаларни эса дарҳол юборади. Вакилнинг жавоби кўздан кечирилиши мумкин эмас ва арз қилувчига дарҳол етказиб берилади.

Шикоятлар кўриб чиқиладиганда, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳолларини ўз ташаббуси билан текшираётганда Вакил жазони ижро этиш муассасаларига, қамоқда сақлаш жойларига ва махсус қабулхоналарга монеликсиз кириш ҳуқуқига эга. Мазкур муассасаларнинг маъмурияти Вакилнинг хавфсизлигини таъминлайди. Жазони ижро этиш муассасаларининг, қамоқда сақлаш жойларининг ва махсус қабулхоналарнинг маъмурияти Вакилга қамоқда турган шахслар билан монеликсиз ва холи учрашиш ҳамда суҳбатлашиш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш шарт, учрашув ва суҳбат ушбу муассасалар ходимлари уларни кўриб турадиган, лекин эшитмайдиган шароитларда холи ўтказилади. Мазкур меёрлар шунингдек Ўзбекистон Республикасининг жинойий-ижроия кодексига, “Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб қўйилган.

Қонунчиликка мувофиқ, 2017 йилда Омбудсман томонидан қамоқда сақланаётган шахслар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга оид халқаро стандартлар ва Ўзбекистон Республикасининг жинойий-ижроия кодексига риоя этилиши устидан мониторинг амалга оширилди. Мониторинг тадбирлари 7 та, хусусан Тошкент вилоятида - УЯ 64/ЗВК сонли Вояга етмаганлар учун ахлоқни тузатиш колонияси, УЯ 64/1 сонли аёллар учун умумий тартибдаги колония ва УЯ 64/6 сонли манзил колонияси, Навоий вилоятида – қаттиқ ва умумий тартибдаги УЯ 64/46 ва УЯ 64/47 сонли колониялар, Қорақалпоғистон Республикасида қаттиқ тартибдаги УЯ 64/71 колонияси ва Тошкент шаҳридаги УЯ 64/ТХ-1-сонли муассасаларда амалга оширилди.

Мониторингда Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ва ОАВ, шунингдек муассаса хусусиятини инобатга олган ҳолда Хотин қизлар кўмитаси ҳамда “Камолот” ЁХТ (Ёшлар иттифоқи) вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирлар давомида махбуслар билан жамоавий ва шахсий учрашувлар ташкил этилди, шу билан бирга, уларни сақлаш шароитлари, тиббий хизмат кўрсатилиши, меҳнат, умумий таълим, ахлоқий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этилганлик даражаси ўрганилди. Мониторинг натижаларига

кўра, озодликдан маҳрум этиш шаклидаги жазони ижро этишни ташкил этиш халқаро стандартлар ва миллий қонунчилик нормаларига мос амалга оширилаётганини таъкидлаш мумкин. Ўрганилган муассасаларда:

- махбуслар ёритиш, иситиш ва вентеляция тизимига эга, муайян турдаги муассаса учун белгиланган яшаш ҳудуди нормаларига мувофиқ умумий яшаш хоналарида истиқомат қилмоқда;

- махбусларнинг ҳар бири алоҳида ётоқ жойи, кўрпа-тўшак, ўрнатилган тартибдаги кийим, ич кийим ва оёқ кийими, шахсий гигиена ва бошқа воситалар билан таъминланган;

- махбусларга уларнинг соғлиғи, ёши, меҳнат туридан келиб чиқиб ўрнатилган нормаларга мувофиқ овқатланиш тартиби белгиланган;

- махбусларга тиббий ёрдам кўрсатиш ва стационар даволаш, санитар-эпидемиологик назоратни амалга ошириш, дори воситалари билан таъминлаш учун тиббиёт бўлимлари ташкил этилган.

- махбусларнинг жинси, ёши, соғлиғи ва қобилиятлари инобатга олинган ҳолда ҳақ тўланадиган ишлаб чиқаришга асосланган меҳнат фаолияти йўлга қўйилган.

- умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими ташкиллаштирилган, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун шароитлар таъминланган.

- Бадиий ва илмий-оммабоп адабиётлардан ташкил топган кутубхона фонди ташкил этилган, даврий матбуот билан танишиш, фильм ва телекўрсатувларни кўриш, радио эшитиш учун шароитлар мавжуд.

- махбусларнинг қисқа муддатли ва яқин қариндошлари билан узоқ муддатли учрашувлари учун мўлжалланган хоналар биргаликда яшаш, овқат тайёрлаш ва қабул қилиш имкониятига эга ҳолда жиҳозланган.

- озиқ-овқат ва бирламчи эҳтиёж маҳсулотлари савдоси йўлга қўйилган, хатлар ва телеграммаларни қабул қилиш ва жўнатиш ва бошқа имкониятлар яратилган.

Шу билан бирга, муассасаларга:

- муассасаларнинг кутубхона фондиди ўзбек тилида чоп этилган бадиий, илмий-оммабоп ва ҳуқуқий адабиётлар билан бойитиш;

- фуқаролик жамияти институтлари, хусусан “Маҳалла” ва “Нуроний” фондлари билан махбуслар орасида маънавий-маърифий ишларни олиб бориш бўйича ўзаро ҳамкорликни кучайтириш;

- спорт объектларини керакли инвентар ва жиҳозлар билан таъминлаш, жамоавий спорт турлари билан шуғулланиш учун ҳам қўшимча шароитлар яратиш;

- ишлаб чиқариш кўникмалари ва касб-ҳунар эгаллашни рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар доирасида вояга етмаганларни “устоз-шогирд” тамойили асосида ҳунармандчиликнинг анъанавий турларига жалб қилиш;

- муассасалардаги тиббиёт персоналидаги бўш иш ўринларини тўлдириш, объектларни сув билан тўлиқ таъминланишига эришиш, уларни маҳаллий иситиш тизимлари билан жиҳозлаш масаласини кўриб чиқиш таклиф этилди.

Муассасаларга ташриф чоғида махбуслар билан жамоавий ва шахсий учрашувлар ташкил этилди. Жамоавий учрашувларда 900га яқин махбуслар иштирок этди. Барча махбусларга Омбудсман билан шахсан учрашиш имкони тақдим этилди, мазкур ҳуқуқдан 28 нафар махбус фойдаланди.

Мониторинг натижалари 2017 йил июнь ойида Олий Мажлис палаталарига, ижро этувчи ҳокимият органларига киритилди ҳамда омбудсманнинг расмий веб-сайти www.ombudsman.uz га учта тилда жойлаштирилди.

Шу турдаги фаолият Омбудсманнинг минтақавий вакиллари томонидан доимий асосда амалга оширилмоқда. 2017 йилда улар томонидан 18 та жазони ижро этиш, қамокда сақлаш муассасасилари ва маҳсус қабулхоналарда 42 та мониторинг тадбирлари ўтказилди. Тадбирлар давомида 800 дан ортиқ махбуслар ва қамокда сақланаётган шахслар билан жамоавий, уларнинг 57 нафари билан шахсий учрашувлар ташкил этилди.

Омбудсманнинг қамокда сақланаётган шахслар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича таклифлари “Ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлган жазоларни ижро этиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 августдаги ПҚ-3200-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармаси тўғрисида” ги Низом ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2017 йил 14 августдаги №171-сон қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 12 сентябрда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 2929*) билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари вақтинча сақлаш ҳибсхоналарининг ички тартиб қоидалари”да ўз аксини топди.

Омбудсман Котибияти ва унинг Минтақавий вакилларининг касбий билимларини ошириш мақсадида 2017 йил 27-28 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда “Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий институтлар томонидан вояга етмаганлар учун пенитенциар муассасасаларни мониторингини амалга оширишнинг халқаро тажрибаси” мавзусида ўқув-семинари ташкил этилди. Семинар давомида Омбудсманнинг шу турдаги муассасаларни мониторинг қилиш бўйича фаолиятини БМТнинг халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлари ва илғор ҳориж тажрибасига асосланган тарзда янада такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ва уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмлари соҳасидаги билимларини ошириш, қамокда сақланаётган шахсларни суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ва Омбудсман фаолиятини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар ҳақида хабардор этиш натижаси юқорида кўрсатилган шахслардан келиб тушаётган мурожаатлар сонига ўз аксини топди. 2017 йилда Омбудсман номига улардан 565 та мурожаат келиб

тушди ва бу кўрсаткич 2016 йилга қараганда 2,7 марта, 2015 йилга қараганда 3,8 марта ошганлигини кўрсатмоқда. Мурожаатларнинг 536 таси суд қароридан (418 та шикоят) ва тергов жараёнларидан (118 та шикоят) норозилик шикояти кўринишида, қолган 29 тадан 6 таси суд қарорини енгиллаштириш ва 23 таси махбуслар оила аъзоларининг турли ижтимоий-иқтисодий масалаларини ва бошқа ҳуқуқларини таъминлашда амалий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ илтимосномалар тарзида келиб тушди.

Суд қарорини енгиллаштиришга оид келиб тушган барча шикоят ва аризалар Омбудсман томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Бош прокуратураси билан ҳамкорликда ҳар томонлама ўрганилди ва кўриб чиқилди. Кўриб чиқиш натижасида тегишли процессуал чора-тадбирлар қабул қилинди, мурожаат қилган шахсларга қонуний ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш бўйича батафсил ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Қамоқда сақланаётган шахслар томонидан оила аъзолари манфаатларини кўзлаб ёзган мурожаатларини кўриб чиқиш жараёнида адлия ва ички ишлар вазирликлари, шунингдек Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, “Маҳалла” фонди ва Ўзбекистон Адвокатлар палатаси каби жамоат ташкилотлари иштирок этди. Мурожаатларни кўриб чиқиш натижасида 2 махбус аёлга “Меҳрибонлик” уйларида сақланаётган фарзандлари билан учрашуви ташкил этилди, бир қатор махбуслар фарзандларига биометрик паспорт ва туғилганлик ҳақида гавоҳнома расмийлаштирилди, уларга мактабгача таълим муассасалари учун йўлланма берилди, шунингдек, бир нафар махбуснинг турмуш ўртоғини иш билан таъминланишига амалий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, Ўзбекистон Адвокатлар палатаси бир нафар махбусга фуқаролик ишлари бўйича суд органига қўчмас мулкка меросхўрлик иши бўйича даъво аризаси киритишга амалий ёрдам берди.

Омбудсман ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг жиноят содир этишда гумон қилинаётган ва маҳкумларга нисбатан ноқонуний таъсир чораларини қўллаши тўғрисидаги шикоятларга алоҳида эътибор қаратди. 2017 йилда Омбудсман манзилига ички ишлар ходимлари томонидан жисмоний ва психологик таъсир ўтказилганлиги ҳақида 21 та мурожаат келиб тушди. Мазкур мурожаатлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Бош прокуратураси билан ҳамкорликда кўриб чиқилди. Натижада, 6 та ҳолатда мурожаатда кўрсатилган вазият ўз исботини топмади, 2 ҳолат бўйича хизмат текируви тайинланди, 9 та шикоятлар судларга суд мажлислари мобайнида процессуал меъёрларга асосланган ҳолда кўриб чиқиш учун жўнатилди, 4 та шикоят кўриб чиқилиш жараёнида.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг “БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси билан ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича Режа тўғрисида”ги 2017 йил 16 июндаги № 921-III/ПК-200-III сон қўшма қарорига мувофиқ Омбудсман ва Олий Мажлис палаталарига “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонун доирасида парламент назорати шаклларида кенг фойдаланган ҳолда

қийноқлар ва бошқа шафқатсиз муомала турлари олдини олиш бўйича назорат-таҳлилий тадбирларни ўтказишга оид қўшимча маъсулият юклатилди.

Юқоридаги тадбирлар ижросини таъминлаш доирасида Омбудсман томонидан парламент палаталарига:

- “Қийноқлар ва бошқа шафқатсиз муомала турларининг қўлланилганлигига оид шикоятларнинг келиб тушиш ҳолати, уларни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида”ги ахборот-таҳлилий иш (2017 йилнинг 9 ойи якунларига кўра);

- Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича қўмиталар томонидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти вакилининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 31 августдаги 130-І сонли қарори билан ратификация қилинган 1984 йил 10 декабридаги Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши Конвенция ижросини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги ахборотини эшитиш бўйича таклиф;

2017 йил 29 декабр куни адолат, инсонийлик ва қонун устуворлиги принципларини самарали амалга ошириш, инсон ҳуқуқлари ҳимоясини суд ва суддан ташқари комплекс таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Сенати ва Омбудсман томонидан “2018 йилда қийноқ ва бошқа шавқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо турларини олдини олиш бўйича назорат-таҳлилий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишга оид” Жадвал тасдиқланди. Тадбирлар жумласига қуйидагилар киритилган:

- Қийноқ ва бошқа шавқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо турларини қўллаш фактлари мавжуд бўлган мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича умумлаштириш, тегишли ахборот-таҳлилий материалларни ишлаб чиқиш ва уларни Олий Мажлис палаталарига киритиш;

- 2018 йил июль ойида “Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг ўта шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши Конвенция” қоидаларининг амалга оширилиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги вакилининг ахборотини тинглаш;

- Қамоқда сақлаш жойлари ва махсус қабулхоналарда қонунчилик ижроси юзасидан қўшма мониторинг ўтказиш;

- Ички ишлар органлари ходимлари учун уларнинг қийноқ ва бошқа шавқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо турларини олдини олиш бўйича халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда хорижий тажрибадан хабардорлигини ошириш мақсадида семинарлар ташкил қилиш;

- Ўрнатилган тартибда муқаддам Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (омбудсман)га қийноқ ва бошқа шавқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо турлари қўлланилганлиги юзасидан шикоят билан мурожаат қилган шахсларга нисбатан олиб борилаётган жиноят ишлари бўйича суд

мажлисларида кузатувчи сифатида иштирок этиш, судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабридаги 17-сонли «Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори талабларини бажарилишини таъминланганлигини ўрганиш, судларнинг тегишли процессуал нормаларга риоя этишига оид маълумотнома ишлаб чиқиш ва уни Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ва Бош прокуратурага киритиш ;

- Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 235 моддасига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ва БМТнинг Қийноқ ҳамда муомала ва жазоланишнинг ўта шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши Конвенциясининг Факультатив протоколига Ўзбекистон Республикасининг қўшилишининг мақсадга мувофиқлиги масаласини муҳокама қилиш ва уни Олий Мажлис палаталари муҳокамасига киритиш ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги ПФ-5268 сонли “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 сентябр куни имзоланган ПҚ-3293 сонли “Ўзбекистон Республикасининг БМТ ва унинг тузилмалари, халқаро молия институтлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида билдирилган Ўзбекистон Республикаси ташаббусларини илгари суриш ва БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари билан музокаралар якуни бўйича эришилган келишувларни амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси (“Йўл харитаси”)га мувофиқ Омбудсман томонидан қуйидаги ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда:

- “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (омбудсман) томонидан ушлаб турилган ёки қамоқда сақланаётган, жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўтаётган, шунингдек маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан парламент назоратини амалга ошириш тўғрисида”ги Низом;

- “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (омбудсман) институти асосида қийноқларни олдини олиш бўйича миллий превентив механизми тўғрисида”ги Низом.

Мазкур соҳадаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни ва хорижий тажрибани ҳар томонлама ўрганиш, қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва ҳуқуқий экспертиза қилиш мақсадида Омбудсман ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалар Координатори билан ҳамкорликда “Миллий превентив механизми йўлга қўйишга кўмаклашиш” деб номланувчи 2018-2019 йилларга мўлжалланган қўшма лойиҳа тасдиқланди. “Марказий осиеда жазо ислоҳоти” (“International penal reform”) халқаро нодавлат нотижорат ташкилотининг Қозоғистондаги ваколатхонаси билан биргаликда Миллий

превентив механизмга оид халқаро ҳужжатлар ва амалиёт бўйича таҳлилий материаллар тайёрлаш режалаштирилган.

Одам савдосига қарши курашиш

Омбудсман Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сонли қарорига кўра ташкил этилган Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссиясининг аъзоси ҳисобланади.

Йил давомида омбудсман Комиссиянинг икки мажлисида, 2017-2018 йилларда одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар Режасини ишлаб чиқиш жараёнида иштирок этди.

Чора-тадбирлар режасига мувофиқ Омбудсман томонидан Минтақавий вакиллар иштирокида “Одам савдоси - давр муаммоси” мавзусида ҳудудий туркум семинарлар ташкил этилди. Тадбирлар давомида одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик меъёрлари, Республика идоралараро ва ҳудудий одам савдосига қарши курашиш бўйича комиссиялар фаолияти хусусиятлари очиқ берилди. Жойларда умумий 76 та тадбирлар ўтказилди (*аудиториянинг умумий сони 6 минг киши*).

Мазкур соҳадаги жиноятларни ўз вақтида аниқлаш мақсадида барча келиб тушаётган мурожаатлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддасида назарда тутилган ҳолатлар, яъни одамни олиш-сотиш ёки одамни эксплуатация қилиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш белгилари мавжуд ёки йўқлиги чуқур таҳлил қилинади. Йил давомида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга фуқароларнинг 36 та мурожаатлари юборилди. Мазкур мурожаатлар асосан жисмоний шахсларга чет элда бўлган даври мобайнида бажарган иши учун ҳақ тўланмаганлиги ҳолатига оид. Мурожаатларда иш берувчи ёки унинг вакили сифатида ўзини таништирган алоҳида шахслар фуқароларни мамлакатдан ташқарида меҳнат қилишга жалб қилган ҳолда, уларни ҳорижга чиқишларини ташкиллаштиради, меҳнат жойига келиши билан паспортларини олиб қўйиб, юклатилган иш ҳажмини бажарилишини назорат қилиб, иш тугаши билан меҳнат ҳаққини тўлашдан бош тортиши ҳолатлари келтирилган.

Омбудсман томонидан юборилган мурожаатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан кўриб чиқилиши натижасида Қозоғистон Республикасининг Ички ишлар вазирлиги томонидан Чимкент туманида курилиш молларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонада Шахрисабз туманидан бўлган 5 нафар Ўзбекистон Республикаси фуқаросини куч ишлатиб ушлаб турилиши ҳолатидаги жиноий иш очилди.

Шунингдек, фуқаролар Р., Ш. ва К. ларнинг бажарган ишларига пул маблағларининг тўланмаганлиги тўғрисидаги мурожаатларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168 моддаси - алдаш

ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш бўйича 2 та жиноят иши очилди.

Мурожатларда жиноят белгилари мавжуд бўлмаган ҳолатларда, мурожаат қилувчи шахсларга фуқаролик-процессуал тартибда ўз иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари бўйича тегишли ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Коррупцияга қарши курашиш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПП-2752-сонли Қарорига асосан Омбудсман Коррупцияга қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссиясининг аъзоси бўлиб ҳисобланади.

Йил давомида Омбудсман Комиссиянинг икки мажлисида, коррупцияни одини олиш ва амалдаги қонунчиликда эҳтимолий мавжуд коррупциявий элементларни йўқотиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишда, 2017-2018 йилларда Коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастурига таклифлар ишлаб чиқиш, шунингдек, Комиссия низоми ва унинг фаолияти билан боғлиқ бошқа номатив-меъёрий ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш жараёнида иштирок этди, Омбудсманнинг мазкур соҳасдаги давлат дастурини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқди ва тасдиқлади.

Чора-тадбирлар режасиги кўра, Бош прокуратура билан ҳамкорликда “Коррупцияга қарши курашиш - тараққиёт омили” мавзусида буклетлар чиқарилди ва тарқатилди. Омбудсманнинг минтақавий вакиллари иштирокида жойларда коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилик мазмун-моҳиятини очиб беришга қаратилган 49 та тадбирлар ўтказилди (*умумий аудитория 10 мингдан ортиқ киши*).

Хорижий экспертлар ва илмий доираларни мазкур соҳадаги ўзгаришлар ҳақида хабардор қилиш бўйича чора-тадбирлар доирасида Омбудсман 2017 йил 6-7 июнь кунлари Боку шаҳрида Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо малакатларнинг Қоррупцияга қарши курашиш идоралари раҳбарларининг ва омбудсманларининг III Мажлисида “Омбудсманнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳамкорлиги: Ўзбекистон тажрибаси” мавзусидаги маъруза билан иштирок этди ва Бош прокуратурага оралиқ ҳисобот учун ва Истанбул тадбирлар режасининг учинчи раундининг Ўзбекистонга тавсияларини амалга оширишни баҳолашга оид маълумотлар жўнатилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва одини олиш, коррупцияга оид жиноятларни содир этилганлиги ҳолатида жавобгарликнинг муқарраллиги принципини таъминлашга оид чораларга жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупция ҳолатлари бўйича мурожаатларини тўлиқ, холис ва ўз вақтида кўриб

чиқилишини таъминлаш ҳам киради. Шунингдек Қонуннинг 26-моддасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни мазкур турдаги ҳуқуқбузарликлар юзасидан хабардор этиш мажбурияти белгиланган.

2017 йил давомида Омбудсман томонидан Бош прокуратурага ўзда коррупцияга ҳолатлар мавжуд бўлиши мумкин бўлган 47 та мурожаатлар юборилди. Фуқаро С.нинг мурожаатига асосан, 135 та фуқарога сохта ҳужжатлар асосида бозор ҳудудида жойлашган ер участкалари ажратилганлиги ҳолати аниқланди. Омбудсманнинг мурожаатига асосан Тўрткўл туман ҳокимияти ходимларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг “Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш” ва “Мансаб сохтакорлиги” жиноят иши қўзғатилди. Бошқа ҳолатда, Ургут туманида жойлашган 16-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактаби моддий ресурсларидан фойдаланиш қоидаларини бузилиши факти аниқланиб, ўтказилган тафтиш натижаларига кўра, ходимлар томонидан давлат бюджетига етказилган 19.0 млн. сўм пул маблағлари тўлиқ қайтарилди.

Сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ фуқаролар жамият ва давлат бошқарувида ўзини-ўзи бошқариш, давлат органларини демократик шакллантириш, давлат органлари устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш орқали иштирок этади. Мамлакат қонунчилигида шунингдек фуқароларнинг касаба уюшмаларига бирлашиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш, ваколатли давлат органлари ва муассасаларига ўз аризалари, таклиф ва шикоятлари билан мурожаат қилиш ҳуқуқи кафолатланган.

2017 йилда Омбудсман номига мазкур йўналишда 386 та фуқаролар мурожаатлари келиб тушди, улардан 201 таси шикоят, 87 таси ариза ва 98 таси таклиф шаклида. Ушбу мурожаатлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиш ва ундан чиқиш, давлат органлари ва муассасаларига ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқининг бузилиши устидан шикоятлардир. Шикоятларнинг 93 таси мурожатларни кўриб чиқиш муддатлари бузилиш ҳолатига, 108 таси эса давлат органлари ва муассасалари жавоби мазмунига оид. Таклифлар эса Омбудсман фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича келиб тушди.

2017 йилнинг муҳим сиёсий ходисаси Ўзбекистон Республикасининг “Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман кенгашларига сайлов тўғрисида”ги қонунига мувофиқ 2017 йил 24 декбр куни Тошкент шаҳар халқ депутатлари кенгашларига депутатлар сайловининг ўтказилишидир. Сайловлар мобайнида, халқ депутатлари туман кенгашларига 330 та депутатлар сайланди. Сайловларда 1,27 млн сайловчилар, яни рўйхатга олинган сайловчиларнинг 81,2 фоизи иштирок этди. Сайловлар миллий қонунчиликка, унда белгилаб қўйилган тенглик, очиклик, ошкоралик, муқобиллик, адолат ва демократик сайловларнинг халқаро стандартларига тўлиқ мос тарзда ўтказилди. Сайлов

жараёнида сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати ахборот тизимидан фойдаланиш бўйича ҳуқуқий тажриба ўтказилди. Тизим сайловчиларни ягона рўйхатга критиш, овоз беришда иштирок этаётган сайловчиларнинг электрон ҳисобини юритиш имкониятини таъминлайди. Сайловолди ташвиқоти ва овоз бериш жараёнида Омбудсман номитга сайлов қонунчилигини бузилишига оид мурожаатлар, жумладан аноним мурожаатлар келиб тушмади.

Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги Қонунга асосан, депутат фаолиятининг кафолатлари кўрсатилиб, улар қаторида унинг ваколатлари муддати мобайнида дахлсизлик ҳуқуқи кафолатлари ҳам белгиланган. Тегишли халқ депутатлари Кенгашининг розилигисиз депутат мазкур ҳудудда жиноий жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши ёки суд тартибида бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас. Шу билан бирга, мазкур қонун агар депутат ўзи халқ депутатлари Кенгаши депутати бўлган вилоят, туман ёки шаҳар ҳудудидан ташқарида жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган бўлса, депутатни жиноий жавобгарликка тортишга, ушлаб туришга, қамоққа олишга ёки унга нисбатан суд тартибида бериладиган маъмурий жазони қўллашга розилик олиш талаб қилинмаслигини белгилайди.

Тошкент шаҳри шароитида агар депутат шаҳар бошқа туманида яшаши ва ишлашидан келиб чиқиб Халқ депутатлари туман Кенгашлари депутатларининг дахлсизлик ҳуқуқи кафолатларини таъминлашда баъзи интитуционал қийинчиликларни келтириб чиқаради. Худди шундай ҳолат республиканинг бошқа туманлари ёки шаҳарларида ҳам бўлиши мумкин. Умумэтироф эътилган демократик тамойиллар ва депутатнинг дахлсизлик ҳуқуқини таъминлаш мақсадида депутат дахлсизлик ҳуқуқини Тошкент шаҳар ва вилоятлар миқёсида татбиқ этилиши масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликлар

Давлат фуқароларнинг хусусий мулкка ва адолатли меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқини таъминлайди, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракати ривожини рағбатлантиради.

Ҳисобот даврида Омбудсман мазилига инсон ва фуқароларнинг иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларига оид 2169 та мурожаат, шундан, 1626 та шикоят, 532 та ариза ҳамда 11 та таклифлар келиб тушган. Категориялар кесимида: хусусий мулкка бўлган ҳуқуқларга оид - 824 та, меҳнат ҳуқуқлари - 575 та, тадбиркорлик фаолияти эркинлик ва кафолатларига оид - 271 та, фуқароларнинг иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларини суд ҳимоясига оид - 399 та, фуқароларнинг иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларини тўғрисидаги суд қарорларини ижросига оид -100та. Парламент назорати субъекти сифатида Омбудсман томонидан 504 шикоятлар ёки уларнинг жами ҳисобида 31 фоизи кўриб чиқилди.

Мурожаатларни кўриб чиқиш натижасида фуқаролик ва иқтисодий масалалар бўйича судлар қарорига иккита протест киритилди, судларга умумий қиймати 44,7 миллион сўм бўлган иш ҳақларини ундириб бериш юзасидан 4 та даъво аризаси киритилди, бошқа 11 нафар фуқарога меҳнат ҳақи ундириб берилди, 11 нафар фуқаро ишга қайта тикланди, 3 нафар мурожаат қилган шахсга умумий қиймати **133,0** млн.сўмлик кредит расмийлаштиришда ва 2 нафар фуқарога фермер хўжалигини ривожлантириш учун ер участкаси тақдим этилишида амалий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, давлат фойдасига 2 319,0 млн сўм, мурожаат қилган шахслар фойдасига 63,2 млн сўм ундирилди, умумий қиймати 736,7 миллион сўм бўлган мол-мулк аукцион савдоларига қўйилди, шахсий уй-жой бузилиши ҳолати бўйича **104,8** млн.сўм компенсация сифатида тўланди.

Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги ва уни ривожлантириш

Жисмоний ва юридик шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти эркинлиги ва уни рағбатлантириш тўғрисидаги мурожаатларни ҳар томонлама таҳлил қилиш ва умумлаштириш натижаси бир қатор тадбиркорли субъеклари ривожига таъсир ўтказётган омилларни аниқлашга имкон берди. Жумладан;

- **тадбиркорлик фаолиятини субъектларини фаолиятини ҳуқуқни муҳофаза қилувни ва назорат органлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан аралашувлар.** Хусусан, Омбудсман ва Шайхонтохур тумани Маъмурий ишлари бўйича суди томонидан фуқаро Л.нинг шикоятини кўриб чиқиш жараёнида Тошкент шаҳар Солий бошқармаси ходимлари томонидан унинг хусусий корхонасида 2017 йил 7 апрел куни ўтказилган қисқа муддатли теширув ўтказиш жараёнида қўпол қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди. Шу жумладан, солиқ бошқармаси ходимлари томонидан назорат харид далолатномаси, тадбиркорлик субъекти томонидан нақд пул касса айланмаси ҳуқуқбузарлигини исботловчи далилий ашёларнинг мавжуд эмаслиги, вояга етмаган шахснинг холис сифатида жалб қилинганлиги ва бошқа текшириш ўтказиш қоидалари бузилишига йўл қўйилган. Суд қарорига асосан, Тошкент шаҳар Солик бошқармаси ходимлари Ж.Исамухамедов, С.Урунбаев ва В.Юсуповларнинг хатти-ҳаракатлари ғайриқонуний деб топилиб, Яккасарой тумани Давлат солиқ инспекциясининг жаримага (4,5 млн.сўм) тортиш тўғрисидаги қарори бекор қилинди.

- **тадбиркорлик фаолияти субъектларига таъсир ўтказиш шакли ва мулкни қайта тақсимлаш механизми сифатида ҳокимнинг ер ажратиш тўғрисидаги қарорини бекор (қайта кўриб чиқиш) қилиш.** Фуқаро В.нинг шикоятида “Озода текс” оилавий корхонаси учун 2014 йил 20 октябрда ажратилган ер участкаси Янгийўл туман ҳокимининг 2017 йил 24 сентябрдаги қарорига асосан олиб қўйилганлиги кўрсатилган. Ўтган давр мобайнида “Озода текс” оилавий корхонаси томонидан мазмур ер участкасида курилиш объектларини шакллантиришга 285.0 млн. сўм инвестиция қилинган.

Омбудсманнинг Бош прокуратурага қилган мурожаатига асосан, мазкур туман ҳокимининг қарорига протест киритилди.

Бошқа ҳолатда, Зангиота туман ҳокимлигининг 2016 йил 3 февралдаги қарорига асосан “Орион макс сервис” МЧЖга автотранспорт ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуасини қуриш учун ер ажратилган. Тадбиркор томонидан ҳоким қарори қабул қилинган кундан эътиборан ушбу ҳудудда олиб борилган қурилиш-монтаж ишларига 1.5 млрд. сўмдан ортиқ маблағ инвестиция қилинган. Инвестиция киритилиши яқунларига кўра 2017 йил 22 декабрь куни Тошкент вилояти прокуратураси томонидан қурилишни МЧЖ ҳисобидан бузиш юзасидан суд органига даъво ариза киритилган. Ҳозирги вақтда ушбу масала Тошкент вилояти Иқтисодий судида кўриб чиқилмоқда ва суд жараёнида Омбудсман Котибияти референти кузатувчи сифатида иштирок этмоқда.

- Давлат ҳокимияти органлари томонидан ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тўғрисидаги қонун-ҳужжатларини бузилиши. Фуқаро А.нинг мурожаатини кўриб чиқиш жараёнида Термиз шаҳар ҳокимияти томонидан 450,0 млн. сўм қийматдаги объектни бир вақтнинг ўзида бузиш билан давлат эҳтиёжлари учун олиб қўйилган. Омбудсманнинг прокуратура органлари мурожаати бўйича Сурхондарё вилояти ҳокимлигига Термиз шаҳар ҳокимияти томонидан 294,0 млн сўм компенсация қарздорлик пулини тўлаш юзасидан хат киритилди.

Шунингдек, Омбудсманнинг мурожаатига асосан Бухоро шаҳри, Олтиариқ ва Дангара туманларида тадбиркорларга олиб қўйилган ер участкаси ўрнига ер ажратилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунига кўра, туман (шаҳар) ҳокими корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, деҳқон хўжаликлари ва фуқароларга эгалик қилиш, фойдаланиш учун ва ижарага ер беришга, бу субъектларнинг ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш ҳуқуқини тўхтатиб қўйишга, шунингдек ерларни олиб қўйишга ҳақли бўлиб, қабул қилинган бу хусусдаги қарорлар халқ депутатлари тегишли Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Хусусий мулк дахлсизлигининг ишончли кафолатларини таъминлаш ва қулай тадбиркорлик муҳитини яратиш мақсадида, хусусий мулкдорлар томонидан моддий инвестициялар киритилган ерга эгалик қилиш ҳуқуқини тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги қарор фақатгина юқори турувчи ҳоким ва халқ депутатлари кенгашлари томонидан қабул қилиниши масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликлар

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари фуқароларнинг таълим олишга, малакали тиббий хизматдан фойдаланишга, ижтимоий таъминотга ва ишсизликдан ҳимояланишга бўлган ҳуқуқларини кафолатлайди.

2017 йилда Омбудсман номига инсон ва фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш билан боғлиқ 3 267 та мурожаат келиб тушди, улардан 2 231 таси шикоят, 1 019 таси ариза ва 17 таси таклиф шаклида. Категориялар нисбатида, иш билан таъминлаш масаласига оид мурожаатлар сони- 358 та, пенсия таъминоти бўйича-101, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишга оид-228 та, таълим соҳаси бўйича-169 та, ижтимоий имтиёзлар ва нафақалар бериш, моддий ёрдам масаласида-324 та, оилавий ҳуқуқларни таъминлаш, оналик ва оталикни муҳофаза қилиш-307 та, уй-жой билан таъминлаш ва уни кенгайтириш масаласида-601 та, ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларни суд орқали муҳофаза қилиш-487 та, ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлашга оид суд қарорлари ижроси бўйича-223 та, коммунал-хўжалик хизмати бўйича 469 та. Парламент назоратининг субъекти сифатида Омбудсман томонидан 934 та ёки мурожаатларнинг умумий сонидан 42% кўриб чиқилди.

Мурожаатларни кўриб чиқиш давомида 23 фуқаро иш билан таъминланди, соғлиққа зиён етказилиш ҳолатини қоплаш бўйича 11,5 миллион сўм миқдоридagi тўловлар ундирилди, кам таъминланган оилаларга кўп қаватли уйлардан 2 та квартира ва шахсий уй-жой қуриш учун 6 та ер участкалари ажратилди, 2 та оилага уй-жой таъмирлашига кўмак берилди, 30 та оилага бир марталик моддий ёрдам пули берилди, 10 та оилага бола парвариши учун тўловлар белгиланди, 3 та мурожаат қилган шахсларга мактабгача таълим муассасаларига йўлланмалар тақдим этилди, 55 та мурожаат қилган шахслар фойдасига умумий суммаси 83,5 миллион сўм бўлган алимент тўловлари ундирилди.

Шунингдек 15 та фуқарони касалхонага жойлаштириш бўйича ордерлар берилди, 15 та фуқарога ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатилди, 3 та фуқаронинг ногиронлиги белгиланди, 6 та фуқарога ногиронлик араваси тақдим этилди.

Бундан ташқари, таълим соҳасидан 15 та ва соғлиқни сақлаш соҳасидан 8 та ходим интизомий жавобгарликка тортилди.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиши

Мазкур соҳага оид келиб тушган 228 та мурожаатларни умумлаштириш тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ҳамда маданияти, маънавияти ва маъсулиятини оширишга оид тизимни янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишнинг нақадар муҳим эканлигини таъкидлаш имконини беради:

- Яшнобод туманининг 30-сонли оилавий поликлиникасининг участка шифокори ва ҳамшираси ОИВ инфекцияси билан касалланганлик ҳолатининг махфийлигини бузган ҳолатда беморнинг яқин қариндошларини мажбурий текширишга уринганлиги ҳолати бўйича, шунингдек Самарқанд вилоятига наркологик диспансер шифокорининг беморни ОИВ инфекцияси билан

касалланганлиги ҳақида ўз вақтида огоҳлантирмаганлиги, унинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва ижтимоий муҳофазаси ҳақида хабардор қилмаганлиги учун;

- Навоий шаҳридаги 1-оилавий поликлиниканинг участка шифокори фертил ёшдаги аёллар устидан патронат кузатувини ташкил этиш тартибини бузганлиги ва Бухоро шаҳридаги 4-оилавий полклиниканинг айрим тиббиёт ходимлари гинекологик ёрдам кўрсатишдаги камчиликлари учун;

- Республика перенитал-гинекология маркази хирургии хирургик амалиётлар мобайнида камчиликларга йўл қўйганлиги учун, операцияни ўтказиш учун тўланган тўловни (4 млн сўм) ва реабилитация учун маблағларни (7,3 млн сўм) ундириш орқали;

- Фарғона шаҳрининг 7-сонли тиббиёт бирлашмаларининг кўп профилли поликлиникаси лаборатория тадқиқотларини олиб боришда фуқаролардан пул маблағларини ундирганлиги учун жавобгарликка тортилди.

Омбудсманнинг 2016 йил фаолияти тўғрисидаги ҳисоботида аҳолига шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш тартибини такомиллаштириш масаласини кўрсатиб ўтилган эди. Шу жумладан, тез тиббий ёрдам кўрсатиш элементи сифатида инсон ҳаёти учун ҳафв туғилган пайтда кечиктириб бўлмайдиган шошилиш тиббий маслаҳат кўрсатувчи тўғридан-тўғри телефон алоқасини жорий қилиш ва бунда тез тиббий ёрдам етиб келгунга қадар алоқани сақлаб туриш мажбуриятини юклаш таклифи берилган.

Халқ билан мулоқот натижасида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 16 мартдаги “Шошилиш тиббий ёрдам тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-4985-сон Фармони ва 25 январь 2018 йилдаги “Шошилиш тиббий ёрдам тизимини жадал такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3494-сонли Қарори қабул қилинди. Унга кўра, бутун республика ҳудудида тез тиббий ёрдамни шошилиш чакоришга мўлжалланган туну-кун ишлайдиган ягона телефон рақамининг узлуксиз фаолиятини таъминлайдиган Call-марказлар ташкил этиш, уларни аҳолига самарали ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш имкониятига эга бўлган малакали тиббий кадрлар билан қўшимча таъминлаш, шунингдек, ОАВда аҳолининг биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш билимларини оширишга қаратилган тадбирлар амалга ошириш чора-тадбирлар белгиланди.

Таълим олиш ҳуқуқи

Фуқароларнинг таълим олишга бўлган ҳуқуқлари юзасидан келиб тушган **169 та** мурожаатларни ҳар томонлама таҳлили шуни кўрсатдики, таълим муассасалари маъмурияти ва ўқитувчилар таркибининг тингловчилар билан этика аспектларини аниқлашга имкон берди. Жумладан, олий таълим муассасаларида талабанинг ота-онаси томонидан контракт пулини тўламаганлик учун аудиториядан чиқариб юбориш, шунингдек, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўқувчиларни ҳақорат қилиш ҳолатлари кузатилди. Йил давомида, ушбу соҳа доирасидаги мурожаатларни кўриб чиқиш натижаларига кўра Чирчиқ туманида жойлашган 13-сонли ва Юнусобод

туманда жойлашган 5-сонли умумий ўрта таълим мактабларининг айрим ўқитувчи ходилари интизомий жавобгарликка тортилди.

Таълим жараёнига боғлиқ яна бир салбий жиҳат ходимларни танлаш ва ишга қабул қилиш, профессор-ўқитувчилар учун меҳнат ҳақини тўлаш ва муассасалар таъминоти учун ажратилган ресурслардан фойдаланишдаги айрим ўқув юртлири раҳбарларининг субъективлиги масаласидир. Ҳисобот йили мобайнида таълим муассасалари бошқарувида камчиликларга йўл қўйгани учун Ғузор тумани 70-умумий ўрта таълим мактаби директори интизомий жавобгарликка, Чимбой тумани 4-академик лицейи директори ва Хазорасп тумани 8-мактабгача таълим муассасаси мудираси маъмурий жавобгарликка тортилди, шунингдек Олот тумани 1-умумий ўрта таълим мактабининг ахборот-ресурс маркази мудираси билан меҳнат шартномаси бекор қилинди.

2017 йилда таълим соҳасида қатор ислохотлар амалга оширилиб, умумий ўрта таълимнинг 11 йиллигига ўтказилиши ва олий ўқув юртлирига тест синовларининг ошкоралигини таъминлашнинг самарали механизмларини татбиқ этилиши шулар жумласидандир. Мазкур масалада таҳлиллар ўтказилган ислохотлар натижасида шикоятларнинг мавжуд эмаслиги, олий таълим муассасасаларига кириш тест имтихони яқунлари бўйича шикоятлар сони **2,2 баробар**га камайганлигини кўрсатди.

Таълим жараёнини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари доирасида ёшларнинг маънавий-маърифий тарбиялашда таълим муассасалари маъмурияти ва ўқитувчиларининг масъулиятини оширишда ўқувчиларни шаъни ва кадр қимматини камситувчи ҳаркатлар амалга оширилган тақдирда маъмурий жавобгарлик масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Пенсия таъминотига бўлган ҳуқуқ

Аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот натижасида 2017 йилда пенсия таъминотининг тўлиф миқдорини нақд пул шаклида беришга ўтиш амалга оширилди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 декабридаги ПҚ-5291 сонли қарорига мувофиқ, 2018 йил 1 январь ҳолатига кўра текширувлар натижасида аниқланган 65 ёшга тўлган ва ундан катта фуқаролар ҳамда 2010 йилгача белгиланган пенсия ва нафақалар бўйича ортиқча тўланган сумма ҳисобдан чиқарилди. Шунингдек, нафақахўр туман (шаҳар) Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг ортиқча тўланган пенсия ва нафақалар суммасини ушлаб қолиш ҳақидаги қароридан норози бўлган тақдирда, тўланган ортиқча сумма суд тартибида, аниқланган вақтдан уч йилдан ошиқ бўлмаган муддатда унлирилиши тартиби ўрнатилди.

Омбудсманнинг 2016 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботида пенсияни нақд пул шаклида тўлаш, пенсиясидан аниқланган ортиқча тўлов учун пенсиядан чегириб қолиш қоидаларини тартибга солиш, пенсияни ҳисоблашда хатоликка йўл қўйган Пенсия жамғармаси ходимларининг жаборгарлигини ошириш каби таклифлар билдирилган эди.

Бу борада кўрилган чора-тадбирлар натижасида пенсияни тайинлаш ва тўлаш билан боғлиқ муурожаатлар сони тубдан қисқарди. 2015 йилга нисбатан 6,1 марта қисқариб, муурожаатлар сони 10 та тани ташқил қилди. Шундан, 18 таси - айрим ҳудудда истиқомат қилаётган фуқароларга пенсия пулини тўлашнинг кечиктирилиши, 42 таси - пенсияни ҳисоблаш ҳамда 41 таси - меҳнат шароити зарарли ва оғир ишларда ишлаган фуқароларга имтиёзли пенсияни ҳисоблаш масалаларига оиддир.

Меҳнат шароити зарарли ва оғир ишларда ишлаган фуқароларга имтиёзли пенсияни ҳисоблаш масаласини алоҳида қайд этиш лозим. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сонли “Имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорига кўра, имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар иш ўрнини меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказишни ҳисобга олган ҳолда имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқи берилади. Мулкчилик шакли ва идоравий тегишлилигидан қатъи назар, корхоналарда имтиёзли пенсия таъминоти бўйича рўйхатларнинг тўғри қўлланилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳамда Меҳнат вазирлиги амалга оширадилар. Шунингдек, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 1996 йил 28 майда 247-сон билан рўйхатдан ўтган “Меҳнат шароитларини ва иш ўрнини меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказишни баҳолаш Методикаси”га асосан, ходимларни аттестациядан ўтказилиши ушбу ташкилот томонидан белгиланиб, 5 йилда камида бир маротаба ўтказилади. Аттестациянинг ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши учун ушбу ташкилот, корхонанинг раҳбари жавобгардир.

Ушбу механизм фуқаро муайян вақт мобайнида ҳақиқатдан меҳнат шароити зарарли бўлган ишлаб чиқаришда ишлаган, аммо ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда иш берувчининг, БТТЖ ва Меҳнат вазирлиги мутахассисларининг ўз хизмат вазифасини лозим даражада бажармаганлиги оқибатида қонун билан кафолатланган имтиёзли пенсияни олмаслиги ҳолатларини юзага келтирмоқда. Шу муносабат билан, фуқаронинг имтиёзли пенсияни олишда учинчи шахсга таалуқчилиги бўйича қонунчиликдаги нормани олиб ташлаш ва бир вақтнинг ўзида ушбу соҳада БТТЖ ҳамда Меҳнат вазирлиги ходимларининг жавобгарлигини ошириш таклиф этилади.

Экологик ҳуқуқлар

Қонунчиликка мувофиқ давлат атроф-муҳит муҳофазасини таъминлайди, унинг ҳолати ҳақида ахборот беради, инсоннинг ҳаётий фаолиятининг

экологияга салбий таъсирини олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади.

2017 йилда Омбудсман номига фуқароларнинг ушбу ҳуқуқлари юзасидан 21 та шикоят келиб тушди. Улар товар ва хизматларни ишлаб чиқиш ва кўрсатиш, қурилиш ишларини олиб бориш, мобил алоқа антенналарини турар жой бинолари, мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасалари ёнида ўрнатиш, аҳолини суғориш ва ичимлик суви билан таъминлаш, махсус ажратилмаган жойларда уй-рўзғор чиқиндилари уюмларининг юзага келиши каби масалаларга оид.

Шикоятларни кўриб чиқиш давомида фуқароларнинг тоза атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқларини тиклаш ва инсон ҳаётий фаолиятининг экологияга салбий таъсирини олдини олиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, Юнусобод туманида мактабгача таълим муассасаси олдида авто тураргоҳ ташкил этиш бўйича қурилиш ишлари ва Қибрай туманида фуқаролар йиғини ҳудудида мобил алоқа антеннасини ўрнатиш бўйича ишлар тўхтатилди. Айрим ишлаб чиқариш объектларини аҳоли турар-жойларидан аҳоли яшамайдиган ҳудудларга кўчириш бўйича ишлар амалга оширилди. Мисол учун, Андижон шаҳридаги мебел цехи, Олмалиқ шаҳридаги сўя уксуси ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона ҳамда Яккасарой туманидаги типография ускунаси аҳоли истиқомат қилмайдиган ҳудудларга кўчирилди. Қолган 16 та шикоят бўйича жойлардаги давлат ҳокимияти органлари томонидан ҳудудлар ва сув ҳавзаларини чиқиндилардан тозалаш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати билан Ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумнинг амалий ижросини таъминлаш доирасида бир қатор кўшма мониторинг ва маърифий тадбирлар ўтказилди. Хусусан, уй-рўзғор ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини тўплаш, фойта ишлаш, утилизация қилишни ташкиллаштириш, Самарқанд вилоятидаги шаҳар канализация иншоотларидаги ифлосланган сувни тозалаш ва хавфсизлигини таъминлаш, Жиззах вилоятида Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги, Андижон вилоятида “Давлат кадастри тўғрисида”ги қонунлари ижроси самарадорлигига оид масалалари ўрганилди.

Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти ва Сирдарё вилоятларидаги таълим муассасалари ва фуқаролар йиғинларида ташкил этилган кўшма маърифий тадбирларда 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг экологик хавфсизликни таъминлаш, атроф муҳит, аҳоли соғлиғи ва генофондига зарар етказувчи экологик муаммолар олдини олиш соҳасга оид мазмун моҳияти очиб берилди, шунингдек, аҳолини атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, сувдан фойдаланиш, био ҳилма-ҳилликни сақлаб қолиш бўйича экологик маданиятини оширишнинг долзарб масалалари муҳокама этилди.

V. Фуқароларнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасидаги ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича фаолият

Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва халқаро шартномалар, инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳуқуқнинг мумъятироф этилган принциплари ва меъёрлари тўғрисида фуқролар хабардорлигини ошириш Омбудсман фаолиятининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуннинг кучга кириши муносабати билан аҳолининг кенг қатламларига, давлат ва жамоат ташкилотлари мутахассисларига қонунчилик янгиликларини мазмун моҳиятини етказиш бўйича аниқ мақсадли ишлар ташкил этилди. Шунингдек, “Париж принцип”ларини миллий қонунчиликка имплементация қилишнинг аҳамияти батафсил ёритилди, хусусан:

- “Ўзбекистон-24” ахборот телеканали эфирига – 4 интервью, “МУ5” телеканали эфирига – 3 интервью, «Ўзбекистон» радиоканали эфирига – 2 интервью тақдим этилди, “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталарида

Омбудсман ва унинг котибияти ходимларининг 3 та мақоласи чоп этилди, uza.uz, gazeta.uz, podrobno.uz, kun.uz, daryo.uz ва ru.sputniknews-uz.com ахборот сайтлари орқали 18 та мақолалар эълон қилинди;

- “Омбудсманнинг давлат ва жамият ўртасидаги мулоқотни ривожлантиришда тутган ўрни” мавзусида минтақавий туркум семинарлар ташкил этилди. Самарқанд, Жиззах, Гулистон, Термиз, Қарши, Андижон, Фарғона ва Наманган шаҳарларида ташкил этилган тадбирларда жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва ОАВнинг 700 дан ортиқ вакили иштирок этди;

- Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази тингловчилари, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ва Тошкент шаҳридаги Сингапур менеджментни ривожлантириш институти талабалари учун семинарлар ташкил этилди.

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича ишларни ташкиллаштиришда Омбудсман томонидан фуқароларга ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш воситалари, усуллари ва механизмларини тушунтириш ва ўргатишга катта аҳамият қаратилди. Жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушаётган мурожаатларни тизимли равишда таҳлил этиш ва умумлаштириб борилиши натижаларига кўра, аҳоли ўртасида изчил тушунтириш ишларини талаб қилувчи фуқаролик-ҳуқуқий ҳусусиятга эга бўлган бир қатор долзарб масалалар аниқланди. Мазкур масалалар давлат рўйхатидан ўтмаган ҳолда никоҳдан ўтиш ва унинг аёллар ва никоҳсиз тўғилган болалар учун таъсири, фуқаролар ўртасида пул-кредит муносабатлари, ўзбошимчалик қурилмалар, ҳусусий кўчмас ва бошқа мулк турлари объектларини ўз вақтида рўйхатдан ўтказмаслик ёки нотўғри рўйхатдан ўтказиш ҳолатлари билан боғлиқ.

Шу муносабат билан, Омбудсман Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан ҳамкорликда “Юксак ҳуқуқий маданият инсон ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш кафолати” мавзусида туркум семинарларни ташкил этди. Тадбирлар 2017 йил октябрь ойидан декабрь ойига қадар Андижон, Наманган, Фарғона, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларида ўтказилди. Тадбирларда фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва ОАВнинг 1500 дан ортиқ вакиллари иштирок этди. Семинарлар давомида реал ҳаётий муаммолар, мурожаатлардаги фуқаролар дуч келган мисоллар иштирокчилар етказиб берилиб, ушбу долзарб масалалар бўйича фуқаролик муносабатларини тартибга солувчи қонунчилик меъёрлари ва қоидалари батафсил тушунтирилди. Семинар якунида, тадбир иштирокчилари томонидан мустақил равишда фуқаролар йиғинларида ва жамоат ташкилотлари фаоллари орасида мавзули мунозаралар ташкил этилди. Иштирокчилар фикрига кўра, семинарлар фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, аҳолини инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини

ҳимоя қилиш воситалари борасидаги хабардорлигини оширишга, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий шерикчилик муносабатларини мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Омбудсман ва унинг вакиллари Бош прокуратура, ички ишлар ва адлия вазирликлари, “Тараққиёт стратегияси” маркази, “Миллий тикланиш” демократик партияси, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан ташкил этилган конференциялар, давра суҳбатлари ва семинарларда ўз маърузалари билан иштирок этди. Мазкур тадбирлар давомида Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги (янги таҳрирда), “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги, “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунларининг ҳамда Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга ошириш бўйича Давлат давстурининг суд-ҳуқуқ соҳасини такомиллаштириш, аёллар ва ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш, оила институтини мустаҳкамлаш ва аҳолининг ижтимоий ёрдамга мухтож қатламларини ҳимоя қилиш бўйича бандлари мазмун-моҳияти очиб берилди.

Умуман, ҳисобот йилида марказда ва жойларда **22** тадбирлар ташкил этилди, конференциялар, давра суҳбатлари ва семинарлар доирасида **56** маърузалар билан қатнашилди, босма нашрларда **16 та**, электрон ОАВ **44** та мақолалар чоп этилди, ахборот теле-радиоканалларда Омбудсман институти фаолиятига доир **27** интервью ва репоптажлар эфирга узатилди.

VI. Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳамкорликнинг ривожланиши

Амалдаги қонунчилик ва Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ Омбудсман БМТ тизими, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ва хорижий институтлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва халқаро шартномаларни бажарилиши бўйича ҳолис маълумотларни жаҳон ҳамжамиятига етказишда фаол иштирок этди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий ва халқаро институтлар билан ҳамкорлик, мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотлар ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор этиш

2017 йил давомида Омбудсман Марказий Осиё мамлакатлари билан яқин қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш борасида Омбудсман Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистонлик ҳамкасблари А.Шакиров, К.Отарбаев, З.Ализода, Я.Гурбанназаровалар билан учрашди. Мазкур учрашувлар Остона, Бишкек, Олмаота ва Тошкент шаҳарларида бўлиб ўтган тадбирлар давомида ташкиллаштирилди. 2017 йил 15-17 ноябрь кунлари Олмаота шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё малакатлари инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларининг Минтақавий консултациялари давомида

минтақа омбудсманлари ўртасида муҳим келишувларга эришилди. Консултациялар якунида омбудсманлар томонидан қабул қилинган “Якуний ҳужжат” томонларнинг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш, қабул қилинаётган ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар тўғрисида ахборот алмашиш ва халқаро тадбирлар доирасида қўшма ташаббусларни илгари суришга бўлган интилишларини акс эттирди.

Шунингдек Омбудсман икки томонлама алоқаларни ҳам изчил ривожлантирди. 2017 йилда Омбудсман томонидан Япония Ички ишлар ва алоқа вазирлигининг Маъмурий баҳолаш бюроси ва Таиланд қироллиги Бош омбудсмани билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандумлар имзоланди. Мазкур меморандумларда халқаро тажриба ва илғор ишланмаларни, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш шакллари ва методларини ўрганиш, ушбу йўналишда икки томонлама ҳамда халқаро ташкилотлар ва форумлар доирасида конференциялар, семинарлар ва “давра суҳбатлари”ни ташкиллаштириш назарда тутилган.

Ҳисобот йилида халқаро алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва халқаро жамоатчиликни мамлакатда олиб борилаётган фундаментал демократик ўзгаришлар тўғрисида хабардорлигини оширишга хизмат қилган муҳим тадбирлар:

- 2017 йилнинг 11 декабрида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 25 йиллиги ва Халқаро инсон ҳуқуқлари куни муносабати билан ташкиллаштирилган “Инсон ҳуқуқлари – Конституция ва Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси нигоҳида” мавзусидаги халқаро конференция.

- 2017 йилнинг 28 ноябрь куни ташкил этилган “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш самарадорлигини оширишдаги ташкилий ҳуқуқий масалалар: Ўзбекистон ва Япония тажрибаси” мавзусидаги давра суҳбати.

Мазкур тадбирларда иштирок этиш учун Ўзбекистонга 18 та хорижий экспертлар, жумладан Европа омбудсман институти Бош котиби Ё.Сигеле, Япония омбудсмани ўринбосари С.Йошикайо, Таиланд омбудсмани В.Ражатанун, Молдова омбудсмани М.Которобай, Қозоғистон Республикаси Бола ҳуқуқлари бўйича вакили З.Балиева, Марказий Осиёда “Халқаро жазо ислоҳоти” халқаро нодавлат ташкилотининг Қозоғистондаги ваколатхонаси директори А.Шамбиллов ташриф буюрди.

Тадбирлар давомида экспертлар Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга ошириш бўйича Давлат дастурининг мазмун-моҳияти, аҳамияти ва амалиёти, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш жараёнини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар, шунингдек Самарқанд вилоятида амалга оширилган ишлар мисолида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналари фаолияти билан яқиндан танишдилар. Тадбирларни ва хорижий меҳмонлар

ташрифларини юқори савияда ташкил этишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари катта аҳамият касб этди (2017 йил 25 ноябрдаги № 1314-Ф сон ва 2017 йил 9 декабрдаги № 1361-Ф сон).

Ҳисобот даври мобайнида Омбудсман томонидан амалга оширилган айрим хорижий ташрифлари давомида ҳам юқорида кўрсатилган мақсадларга эришилди, хусусан:

- Туркия Республикаси (2-3 март 2017 йил). IV Халқаро омбудсманлар симпозиумида иштирок. Тадбирда Туркия Республикаси Президенти Р.Эрдоган ва 50 дан ортиқ мамлакатлар омбудсманлари иштирок этди. Ташриф доирасида Туркия Республикаси Бош омбудсмани Ш.Мелкоч, Индонезия омбудсмани А.Рифаи, Россия Федерациясининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Т.Москалькова ва Литва омбудсмани С.Сускис билан икки томонлама учрашувлар ўтказилди;

- Корея Республикаси (12-19 май 2017 йил). Осиё омбудсманлар ассоциацияси йиғилишида иштирок ва Корея Республикасининг Коррупцияга қарши курашиш ва фуқаролик ҳуқуқлари бўйича мустақил комиссияси раиси, омбудсман С.Хун билан учрашув. “Тараққиёт стратегияси” маркази билан биргаликда Кукмин университетининг Ёвросиё илмий-тадқиқотлар институтида ва Ханянг университетининг Осиё-тинч океани минтақаси бўйича тадқиқотлар марказида тақдимотлар ўтказилди;

- Қирғизистон Республикаси (6-8 сентябрь 2017 йил). “Инсон ҳуқуқларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришда омбудсманнинг ўрни” номли халқаро форумда “Сайлов қонунчилиги мониторингида омбудсманнинг ўрни: Ўзбекистон тажрибаси” мавзусидаги маъруза билан иштирок этилди. Форумда Қирғизистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Спикери Д.Джумабеков ва 15 нафар омбудсманлар иштирок этдилар. Ташриф мобайнида Қирғизистон Республикаси омбудсмани К. Оторбаев, Эрон бош инспекцияси раҳбари, омбудсман Н.Серадж, Латвия омбудсмани Ю.Янсонс билан учрашувлар ўтказилди.

Шунингдек, Омбудсман ва унинг вакиллари бошқа бир қатор хорижда ва мамлакатимизда ташкил этилган тадбирларда ўз маърузалари билан иштирок этдилар. Хусусан:

- 2017 йил 19-20 апрель кунлари Остона шаҳрида ўтказилган “Осиё-тинч океани минтақасида инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг ривожланиши” мавзусидаги семинар (Маъруза: “Ўзбекистон омбудсманининг инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишни ташкиллаштириш бўйича тажрибаси”);

- 2017 йил 20-21 ноябрь кунлари Остона шаҳрида ўтказилган “Болага дўстона Қозоғистон” мавзусидаги конференция (Маъруза: “Вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Ўзбекистон омбудсманининг фаолияти”);

- 2017 йил 21-22 ноябрь кунлари Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида Инсон ҳуқуқлари миллий маркази томонидан ташкил этилган “Инсон ҳуқуқлари соҳасида тараққиётни ўлчаш бўйича қиёсий кўрсаткичлар: халқаро

амалиёт ва Ўзбекистон тажрибаси” мавзусидаги халқаро конференция (Маъруза: “Омбудсман фаолияти тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш”);

- 2017 йил 1 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди томонидан ташкил этилган “Демократик ҳуқуқий давлатни қуришда Конституциянинг ўрни ва аҳамияти” мавзусидаги конференция (Маъруза: “Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда омбудсманнинг ўрни”);

- 2017 йил 6-9 декабрь кунлари Екатеринбург шаҳрида ташкил этилган “Собиқ совет мамлакатлари ҳудудида фуқароларни натурализация қилиш муаммолари” мавзусидаги давра суҳбати (Маъруза: “Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлашда омбудсман институтларининг ўзаро ҳамкорлиги”);

Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро шартномаларини бажарилиши бўйича халқаро ва хорижий институтларни хабардор қилиш

Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро шартномаларини бажарилиши ва омбудсманнинг ўтказилаётган ислохотларда тутган ўрни бўйича халқаро ва хорижий институтларга холис ахборот етказиш бўйича чора-тадбирлар доирасида куйидаги учрашувлар ташкил этилди:

- БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмита раиси ўринбосари Рената Винтер билан учрашув (1 май 2017 йил);

- БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Зейд Раад аль-Хусейн билан учрашув (10 май 2017 йил);

- Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Бош қотиби ўринбосари Марсел Пешко билан учрашув (22 май 2017 йил);

- ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича Бюроси Бош маслаҳатчиси С.Мартин билан учрашув (3 июль 2017 йил);

- “Хюман Райтс Вотч” (Human Rights Watch) халқаро нодавлат ташкилотининг Европа ва Марказий Осиё бўлими директори Х.Уилямсон билан учрашув (4 сентябрь 2017 йил);

- БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг Марказий Осиё бўйича минтақавий вакили Ришард Коменда билан учрашув (2017 йил 6 сентябрь ва 23 ноябрь);

- БМТнинг диний ва эътиқод эркинликлари бўйича махсус маърузачиси Ахмад Шахид билан учрашув (3 октябрь 2017 йил);

- ЕХХТнинг миллий озчиликлар бўйича Олий комиссарининг катта маслаҳатчиси Л.Хадирки билан учрашув (20 октябрь 2017 йил);

- ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича Бюроси Бош маслаҳатчиси С.Мартин билан учрашув (23 ноябрь 2017 йил).

2017 йилда Омбудсман инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатлар ва шартномаларни амалга тадбиқ этиш масалалари муҳокамасига бағишланган халқаро тадбирларда ҳам иштирок этди. Хусусан,

- 2017 йил 6-7 июнь кунлари Боку шаҳрида бўлиб ўтган Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар омбудсманлари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича органлари раҳбарларининг III Мажлиси. Мажлис давомида омбудсман “Омбудсманнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳамкорлиги: Ўзбекистон тажрибаси” мавзусида маъруза қилди.

- 2017 йил 11-22 сентябрда Варшава шаҳрида Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг инсонийлик мезонлари доирасидаги мажбуриятларни бажарилиши бўйича ялпи мажлисида иштирок. Тадбирда омбудсман “Омбудсманнинг фуқаролик жамияти институтлари билан инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича ҳамкорлиги: Ўзбекистон тажрибаси” мавзусида маъруза қилди.

Мазкур йўналишда Омбудсман инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида халқаро шартномаларни бажарилиши бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий маърузаларини тайёрлаш жараёнида иштирок этди ва Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказга мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар ва омбудсман фаолиятига оид ахборот-таҳлилий материаллар тақдим этди:

- “БМТнинг қийноқларга қарши кўмитасининг якуний хулосаси ва таклифларини амалга ошириш бўйича сўровнома”га кўра қийноқлар ва бошқа ғайриинсоний, шафқатсиз ҳамда инсон қадрини ерга урадиган муомала ва жазо турларини олдини олишга оид;

- “БМТнинг диний ва эътиқод эркинликлари бўйича махсус маърузачиси Аҳмад Шаҳид томонидан тақдим этилган муҳокама учун саволлар рўйхати”га кўра виждон ва дин эркинлигини таъминлашга доир;

- “БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича кўмитасининг Ўзбекистон Республикасининг қўшма учинчи ва тўртинчи даврий маърузалари бўйича якуний хулосалари ижроси бўйича омбудсман учун сўровнома”га кўра вояга етмаганлар ҳуқуқларини таъминлашга доир.

Омбудсман Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши ҳолатини ўрганиш бўйича идоралараро ишчи гуруҳи фаолиятида, 2014-2016 йиллар учун Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасига доир миллий маърузаларини кўриб чиқиш якунларига оид БМТнинг шартномавий идоралари ва Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши тавсияларини ижроси бўйича миллий ишчи дастурини амалга оширишда, Режанинг БМТнинг Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича кўмитасининг Ўзбекистоннинг 2015-2017 йиллар учун миллий маърузасини кўриб чиқиш якунлари бўйича ва БМТнинг ирқий дискриминация бўйича кўмитасининг Ўзбекистоннинг 2015-2018 йиллар учун 8-9 миллий

маърузаларини кўриб чиқиш якунларига оид тависияларини ижро этиш бандига қўшимча киритишда иштирок этди.

Миллий ҳаракатлар режасини амалга ошириш бўйича Адлия вазирлигига, Ташқи ишлар вазирлигига ва Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказига АҚШ Давлат департаментининг “Жаҳонда инсон ҳуқуқлари ҳолати” ва “Жаҳонда виждон эркинлиги ҳолати”, “Хюман Райтс Вотч” (Human Rights Watch) халқаро нодавлат ташкилотининг “2016 йилда инсон ҳуқуқлари” ва “Ўзбекистонга ташриф якунлари” (2017 йил 25 октябрь) мавзусидаги маъруза ва ҳисоботлари, шунингдек нодавлат ташкилотнинг Европа ва Марказий Осиё бўлими ижрочи директори хати материалларига оид Омбудсманнинг шарҳларини ўз ичига олган 5 та ахборот-таҳлилий маълумотномалар юборилди.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини амалга ошириш соҳасида Омбудсман қуйидаги механизмларда иштирок этади:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 сентябр куни имзоланган № ПҚ-3293 сонли “Ўзбекистон Республикасининг БМТ ва унинг тузилмалари, халқаро молия институтлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида билдирилган Ўзбекистон Республикаси ташаббусларини илгари суриш ва БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари билан музокаралар якуни бўйича эришилган келишувларни амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси» (“Йўл харитаси”);

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг 2017 йил 16 июнь куни қабул қилинган № 921-III/ПК-200-III-сонли қўшма қарори билан тасдиқланган “БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси билан ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир чора-тадбирлар режаси”.

Дастурий ҳужжатларга кўра Омбудсман томонидан Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг умумжаҳон альянсида аккредитациядан ўтиш бўйича концепция ишлаб чиқилди ва Олий Мажлис палаталарига тақдим этилди. Мазкур қадам Ўзбекистон Республикаси халқаро имиджини мустаҳкамлашга, Омбудсман фаолиятининг амалиёти ва ҳуқуқий асослари БМТнинг “Париж принциплари”га мувофиқлигини тан олинишига ҳизмат қилади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг умумжаҳон альянси фаолиятида тўлиқ иштирок этиш Омбудсманнинг БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси билан ҳамкорлигини кенгайтиради, Ўзбекистоннинг халқаро ташаббусларини илгари суришда самарали восита, мамлакатдаги демократик ўзгаришлар тўғрисида холис маълумотларни БМТнинг шартномавий органлари ва Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашида кенг тарқатишнинг манбаси бўлиб хизмат қилади. Ушбу жараён БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг Марказий Осиё бўйича бўлими, БМТ Тараққиёт дастурининг Истанбул маркази ва Ўзбекистондаги

ваколатхонаси томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда, халқаро ҳамкорлар билан биргаликда 2018 йил июль ойида Омбудсманнинг Альянсга кириш тўғрисидаги аризасини расмийлаштириш режалаштирилган.

Умумий қилиб олганда, ҳисобот йили давомида Омбудсман томонидан **2 та** халқаро тадбир ташкил этилди, **16 та** тадбирларда, шундан **12** тасида маърузалар билан иштирок этилди, маърузаларнинг **8** таси хорижий мамлакатларда ташкил этилган тадбирларда эълон қилинди, **15 та** хорижий мамлакатлар омбудсманлари, **12 та** халқаро ва хорижий институтлар делегациялари билан учрашувлар ўтказилди.

Хорижий алоқаларни ривожлантириш ва халқаро шартномаларни бажариш масалалари бўйича Олий Мажлисининг Сенати ва Қонунчилик палатасига, шунингдек Вазирлар Маҳкамасига **7** ахборот-таҳлилий материаллар юборилди. Омбудсманнинг Ташқи ишлар вазирлиги (**109**), Инсон ҳуқуқлари миллий маркази (**76**) ва Адлия вазирлиги (**24**) билан тегишли ҳужжатлар алмашинуви **209** тани ташкил этди.

VII. Инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссия ва Омбудсманнинг минтақавий вакиллари фаолияти

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Омбудсман ҳузурда Инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссия фаолият юритади. Комиссиянинг алоҳида аъзолари Омбудсманнинг Минтақавий вакили вазифасини жамоатчилик асосида бажаради.

Қонунчиликка мувофиқ, шунингдек Омбудсман минтақавий вакиллариининг фаолияти самарадорлигини таъминлаш мақсадида 2017 йил 29 декабрь санасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Кенгашининг № 1398-III/ПК-282-III сонли “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Қўшма қарори қабул қилиниб, мазкур Қўшма қарор билан куйидаги Низомлар тасдиқланди:

- “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) қошидаги Инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссия тўғрисида”ги Низом. Ҳужжат комиссиянинг асосий вазифалари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари, уни шакллантириш тартибини белгилаб беради;

- “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва

Тошкент шаҳридаги Минтақавий вакили тўғрисида”ги Низом. Ушбу Низом Омбудсманнинг Минтақавий вакилини тайинлаш, унинг вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, фаолияти кафолатларини, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро муносабати масалаларини тартибга солади.

2017 йилда Тошкент шаҳрида Комиссиянинг учта мажлиси бўлиб ўтиб, унда қуйидаги масалалар муҳокама этилди:

- 15 февраль. 2016 йилда Омбудсман фаолияти тўғрисидаги ҳисоботдан келиб чиққан ҳолда комиссия аъзолари ва Минтақавий вакилларнинг келгусидаги вазифаларини аниқлаб олиш; Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга ошириш бўйича давлат дастури қабул қилиниши муносабати билан Омбудсманнинг 2017 йил учун чора-тадбирлар Режасини амалга ошириш; Омбудсманнинг Минтақавий вакилларининг ҳуқуқни қўллаш амалиёти, мурожаатларни кўриб чиқиш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, Халқ депутатлари кенгашлари, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февраль куни имзоланган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752 сонли қарорига кўра Омбудсман ва унинг минтақавий вакилларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича тегишли идоралараро комиссиялари фаолиятидаги иштироки; “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги Қонун лойиҳасига таклифлар ишлаб чиқиш ва бошқа масалалар муҳокамаси;

- 11 август. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ва “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги (янги таҳрирда) Ўзбекистон Республикаси Қонунлари мазмун-моҳияти билан кенг жамоатчиликни таништириш бўйича ишларни ташкил этиш; Омбудсман ва унинг Минтақавий вакилларининг 2017 йил 1-ярми учун чора-тадбирлар Режаси ижроси бўйича фаолияти яқунлари; Омбудсман Минтақавий вакилларининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан мониторинг фаолиятини олиб бориш, фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш ва аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш бўйича ҳамкорлиги; Омбудсман ва унинг Минтақавий вакилларининг одам савдосига қарши курашиш бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялари фаолиятидаги иштироки ва бошқа масалалар муҳокамаси;

- 26 октябрь. “Инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссия тўғрисида”ги ва “Омбудсманнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги Минтақавий вакили тўғрисида”ги Низомлар лойиҳаларини муҳокама қилиш;

Омбудсман ва унинг Минтақавий вакилларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатининг 2017 йил 4 октябрдаги қарорига мувофиқ ташкил этилган Фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш масалалари бўйича Парламент комиссияси фаолиятидаги иштироки; 2017 йилда Суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш бўйича қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 сентябрда имзоланган ПҚ-3293 сонли Омбудсман институти қошида қийноқларни олдини олиш бўйича миллий превентив механизмни яратишга оид қароридан келиб чиққан вазифалар; Ҳаракатлар стратегиясини 2018 йилда амалга ошириш бўйича Давлат дастурига таклифлар ишлаб чиқиш; Омбудсманнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Наманган ва Хоразм вилоятларидаги Минтақавий вакилларининг вакант жойларига Қорақалпоғистон Республикаси Жужорғи Кенгеси Юридик бўлими бошлиғи Г.Базарбаевани, Жиззах вилояти Касаба уюшмаси ташкилотлари Бирлашмаси Кенгаши раиси Н.Пардаевни, “Маҳалла” хайрия жамоат фондининг Наманган вилояти бўлими бошқаруви раиси М.Ходжаевни, “Ўзбекистон почтаси” Хоразм вилояти филиали директори А.Рахимовни тайинлаш масалалари муҳокама қилинди.

2017 йилда Минтақавий вакиллар номига **1012** та мурожатлар келиб тушди, шундан **728** таси ижтмоий-иқтисодий ҳуқуқлар, **273** таси шахсий ҳуқуқлар ҳамда 11 таси сиёсий ҳуқуқлар масаласига оид мурожаатлардир.

Мазкур мурожаатлар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда кўриб чиқилиши натижасида **116** та кам таъминланган оилалар ёрдам пуллари олишга, **67** та фуқарони иш билан таъминлашга, **21** фуқарони иш жойига тикланишига, **63** та кам таъминланган оилаларга уй-рўзғор шароитларини яхшилашга, **19** та фуқарога вояга етмаган болалар таъминоти учун алимент ундиришга, **20** нафар ёлғиз қария ва ногиронларни малакали тиббий хизматдан фойдаланишига, **9** тасига ҳисобланадиган нафақа суммасини аниқлашга, **5** тасига ногиронлик даражасини белгилашга ва шу каби бошқа амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Аҳолининг ҳуқуқий онгини оширишга қаратилган чора-тадбирлар доирасида Омбудсманнинг Минтақавий вакиллари томонидан жойларда **74** та тадбирлар ташкил этилди. Мазкур тадбирлар Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга ошириш бўйича Давлат дастурига мувофиқ, жамиятни демократик янгиланиши, инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича муассасалар ва фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги, “Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисида”ги (янги таҳрирда), “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги, “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини очиб беришга бағишланди.


Шунингдек, Омбудсманнинг Минтақавий вакиллари томонидан давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда **118** та конференциялар, давра суҳбатлари ва семинарлар ўтказилди, **347** та тадбирларда маърузалар билан иштирок этилди, маҳаллий матбуотда **14** та мақола чоп этилди ва маҳаллий телерадиоканалларга **32**та интервью берилди.

Ҳисобот йилида, Омбудсманнинг Минтақавий вакиллари томонидан қамокда сақланаётган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига риоя этилиши, маҳбусларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари ва воситалари ҳақидаги ҳуқуқий билимларини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. 2017 йил мобайнида Омбудсманнинг минтақавий вакиллари томонидан **18** та жазони ижро этиш муассасаларида **42** та мониторинг тадбирлари ўтказилди, **500** дан ортиқ маҳбуслар билан жамоавий учрашувлар, шулардан **139** таси билан шахсий суҳбатлар ташкиллаштирилди.

ИЛОВАЛАР


1-Диаграмма

Жами келиб тушган мурожаатлар сони




2-Диаграмма

Фуқароларнинг ҳуқуқ тоифаларига доир мурожаатлар, %да




3-Диаграмма

Келиб тушган мурожаатлар, ҳудудлар кесимида




4-Диаграмма

Мурожаатларнинг келиб тушиш динамикаси




5-Диаграмма

Ижтимоий ҳуқуқлар тоифасига доир мурожаатлар, %да




6-Диаграмма

Ижтимоий ҳуқуқлар тоифасига доир мурожаатлар сони




7-Диаграмма

Шахсий ҳуқуқлар тоифасига доир мурожаатлар, %да




8-Диаграмма

Шахсий ҳуқуқлар тоифасига доир мурожаатлар сони




ИМА

Вакилга маҳкумлардан келиб тушган мурожаатлар динамикаси




10-Диаграмма

Иқтисодий ҳуқуқлар тоифасига доир мурожаатлар %да




11-Диаграмма

Иқтисодий ҳуқуқлар тоифасига доир мурожаатлар сони



12-Диаграмма

Сиёсий ҳуқуқлар тоифасига доир мурожаатлар сони



13-Диаграмма

Экологик ҳуқуқлар тоифасига доир мурожаатлар сони

